

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

УДК 494.375

Магистратура бўлими
“Ўзбек тилшунослиги” кафедраси

АБИДОВА ЗУЛАЙХО АБДУСАТТАРОВНА
“БАДИИЙ МАНТДА ВАРВАРИЗМ ВА ВУЛЬГАРИЗМЛАР
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ”
мавзусидаги магистрлик диссертацияси

ДАКда ҳимоя қилишга рухсат
берилган

Магистратура бўлими бошлиғи

_____ п.ф.н., доц. Н.А.Хамедова

“_____” июнь 2011 йил

Илмий

рахбар _____

ф.ф.н., проф. Р.Юнусов

“_____” июнь 2011 йил

Кафедра

мудир _____

ф.ф.н., доц. М.Сапарниёзова

“_____” июнь 2011 йил

Тошкент -2011

МУНДАРИЖА:

Ишнинг умумий тавсифи.....	3-6
Кириш	4-27
I.БОБ.Варваризм ва вульгаризмларнинг тилдаги ўрни.....	28-33
1.1.Тилшуносликда варваризмга муносабат.....	28-33
1.2.Тилшуносликда вульгаризмга муносабат.....	34-40
II.БОБ.Бадий матнда варваризм ва вульгаризмлар (дағал сўз ва ибораларнинг) функционал қўлланилиш хусусиятлари.....	41-45
2.1.Вульгаризмнинг бадий матнда қаҳрамонлар нутқида диалогик нутқнинг шаклланишидаги ўрни.....	46-52
2.2.Вульгаризм ва варваризмларда комик эффект ҳосил қилишда фойдаланиш.....	53-60
2.3. Сўкиш, ҳақорат, қарғиш сўзларнинг вульгар бирликлар сифатида қўлланиши.....	61-68
Умумий хулосалар.....	69-70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71-75
Илова. Диссертацияда қўлланилган тилшунослик терминларнинг қисқача ўзбекча-инглизча луғати.....	76-79

УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистан Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланишни бошлагандан бери илм-фан ва миллий маданиятимизнинг ҳар бир соҳасида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгаришлар энг аввало шу кунгача эришилган илм-фан ютуқларини миллий мафкура ва миллий истиқлол ғоялари талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, умумлаштириш ва келгусида бажарилиш лозим бўлган ишларни режалаштириш жараёнида кўзга ташланди. [2.66] Зеро «янгисини кўрмай туриб эскисини бузмаслик» тамойилининг бошқа соҳалардан кўра кўпроқ илм-фанга татбиқ қилинишининг зарурати ҳақида тўхталишга эҳтиёж йўқ. Чунки, муайян бир фаннинг тараққиёти ўтмишда яратилган кашфиётларнинг умумлаштирилиши ва унга давр эҳтиёжларини ҳисобга олиб қўшилган янгиликлар билан белгиланади. Ҳар қандай фан миллий кадриятлар замирида тараққий этиш баробарида умуминсоний кадриятлар билан ҳамоҳанг бўлмоғи лозим. Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг «мақсадимиз - жаҳон фани ва тафаккури чўққиларини ўзлаштиришга доимий интилишдир. [1.78] Бошқача айтганда, биз ўтмишдан олаётган меросни ҳозирги кунда яратилаётган буюк кашфиётлар билан уйғунлаштирмоғимиз керак». «Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим» деган фикрларини эслаш жоиз деб биламан. Илм ана шундай улуғвор мақсадга хизмат қилиши лозим. Бунинг учун тадқиқотчи ўз ишига садоқат ва масъулият билан ёндашишни виждоний бурч деб билмоғи лозим бўлади.

Тилшунослик фани мисли қўрилмаган ютуқларни қўлга киритди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Буни тилнинг барча сатҳлари билан боғлиқ, муаммоларнинг ўртага ташланиши ва олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам кўрсатиб турибди. Бугунги кунда гапдан йирик синтактик бутунлик - матннинг лингвистик табиати билан боғлиқ, тадқиқотлар миқдори ортиб бормоқда.

Матн муаммоси ҳозирги кунда жаҳон тилшунослигида, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам энг долзарб масалалардан бири сифатида эътироф

этилмоқда. Айниқса, мураккаб тузилишга эга бўлган бадиий матннинг шаклланиш тарзи, бадиий матнни шакллантирувчи воситалар, компонентлари ўртасидаги лексик-семантик муносабатларнинг тадқиқотчилар эътиборидан тушмаётганлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг объекти. Ҳозирги ўзбек адабий тилида варвар ва вульгар сўзлар. Назарий масалаларни далиллашда Саид Аҳмад, Тоғай Мурод, Ойбек, Ў.Ҳошимов ва бошқаларнинг бадиий асарларидан олинган мисоллар.

Тадқиқотнинг предмети. Бадиий матнда варваризм ва вульгаризм лингвопоэтикасини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу мавзу орқали варваризм ва вульгаризмларнинг бадиий матнда қўлланилиш хусусиятларини тадқиқ этиш мақсад қилинди. Бадиий матннинг шаклланишида варваризм ва вульгаризмларнинг ўрни, варваризм ва вульгаризмларнинг морфологик, грамматик ва семантик хусусиятларини аниқлаш тадқиқотнинг асосий вазифалари қаторига киради. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилди:

- Ўзбек тилшунослигида варваризм ва вульгаризмларнинг қай даражада ўрганилганлигини аниқлаш.

- Бадиий матннинг шаклланиши ва матн бутунлигини таъминлашда варваризм ва вульгаризмларнинг аҳамиятини ўрганиш, хусусан, қаҳрамонлар нутқида, диалогик нутқнинг шаклланишида варваризм ва вульгаризмларнинг вазифасини текшириш.

- Бадиий матнда қўлланилган варваризм ва вульгаризмларнинг функционал хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Мавзуни ёритишда ҳозирги кунда ўзбек тилшунослиги қўлга киритган ютуқлардан ҳамда рус ва жаҳон тилшунослигида баён қилинган назарий фикрлардан, шунингдек, кейинги пайтларда кенг тарқалган методологик тамойил ва усуллардан ижодий фойдаланилади. Шунингдек, кейинги пайтларда кенг

тарқалган методологик тамойил ва ёндашувлардан редукция (маълум яхлитлик тизим, «мураккаблик»ни унинг нисбатан содда таркибий қисмлари орқали билиш) тамойили, яхлитлик (маълум бир яхлитлиги бошқа яхлитликлар билан ўзаро алоқадорликда билиш) тамойили индукция (алоҳида фактларга асосланиб умумий мулоҳаза юритиш), дедукция (маълум умумий қоидаларга асосан хусусий хулосалар чиқариш) ва абдукция (фактлардан уларни тушунтирувчи антитезаларга бориш) методлари ҳамда тавсифий, қиёсий-таснифий, контекстуал, компонент таҳлил каби тадқиқот методларига мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда бадиий матннинг шаклланишида варваризм ва вульгаризмларнинг ўрни, лингвопоэтик хусусиятлари биринчи марта диссертацион планда тадқиқ қилинади. Унда қуйидагилар ишнинг илмий янгилиги сифатида тақдим қилинади:

- Бадиий матнда қўлланилган варваризм ва вульгаризмларнинг функционал хусусиятлари тадқиқ қилинади.
- Бадиий матнда қўлланилган варваризм ва вульгаризмларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ўрганилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот бажарилгандан сўнг эришилган айрим натижалардан Олий ўқув юртларининг филология факультетларида махсус курс ва семинарлар ўтишда, бадиий матннинг лисоний таҳлили курсини ўқитишда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Диссертация Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси ҳамда магистратура бўлими қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетининг “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси илмий-тадқиқот ишлар режаси асосида амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

КИРИШ


Ўзбек филологиясида бадий тил муаммолари, хусусан, бир қанча адиблар бадий асарларининг лингвопоэтикаси масалаларига бағишланган анча-мунча тадқиқотлар яратилган. Бадий асар тилини умумхалқ тилидан тамоман ажратиб олган ҳолда ўрганиб бўлмаслиги табиий.

Аввало таъкидлаш керакки, бадий асар тилини ўрганишда кенг тарқалган икки асосий йўналишни кузатиш мумкин. Бу икки йўналишни Х.Дониёров ва С.Мирзаевлар “Сўз санъати” деб номланган китобларида қуйидагича таърифлаганлар: “Тилдаги ўсиш-ўзгаришларни ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўядиган аспекти – лингвистик аспекти, ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати, тил бойликларидан фойдаланиши, ёзувчи маҳорати, стили хулоса чиқарувчи аспекти – стилистик аспекти”. [50.26]

Тилнинг муайян тарихий даврдаги ҳолати, айти ҳолатга хос бўлган хусусиятлар, лексик, фонетик ва грамматик ўзгачаликлар, тилнинг ҳозирги ҳолати билан умумий ва фарқли жиҳатларини илмий тадқиқ этиш мақсадида ўша даврга оид адабий-бадий асарларнинг тили ўраганилиши мумкин. Бунда бадий асарлар, ёзма ёдгорликлар тили айти мақсаддаги тадқиқот учун фақат материал бўлиб хизмат қилади. Тил тарихини тасвирлаш ва тадқиқ этишда бу йўл энг қадимги ва мустаҳкам лингвистик анъана сифатида яшаб келмоқда. Ўзбек тилшунослигида бу йўналишда жуда кўп тадқиқотлар яратилган. Ана шундай бир қатор ишлар орасида таниқли тилшунос олимлар А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов, Ф.Абдуллаев, Х.Дониёров, Б.Бафоев, Ф.Исҳоқов, Б.Турдиалиев, Т.Жумаев ва бошқаларнинг кўплаб ишларини кўрсатиш мумкин.

Бадий асар тилини тилнинг айнан эстетик вазифасининг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳани “лингвистик поэтика” – “лингвопоэтика” деб номлаш филологик илмлар тизимида алоҳида мустақил фан сифатидаги ўрнини аниқлаштиришга бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилган. Ана шу маънода бадий асар тилини “стилистик аспект” да ўрганишни “бадий

асар тилини лингвопоэтик жихатдан ўрганиш” тарзида номлаш ва талқин этиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда лингвопоэтика бўйича жиддий изланишлар олиб борган В.П.Григорьев тавсия қилган бир чизмани ҳавола қилишни лозим топдик. Бунда **Я** - тилшунослик (языкознание), **Л** - адабиётшунослик (литературоведение), **ЯК** - лисоний танқид (языковая критика), **ЛК** - адабий танқид (литературная критика), **ЛП** - лингвистик поэтика, **СВ** - шеършунослик (стихovedение). (Ёқуббекова М.Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. - Тошкент: Фан, 2005, 21- бет)



Чизмадан англашиладиган маъно шуки, лингвопоэтика ҳам адабиётшунослик ҳам тилшунос фанлари эришган назарий ютуқлардан фойдаланган ҳолда бадиий матн устида тадқиқотлар олиб боради. Бизнингча, лингвопоэтик таҳлил кенг қамровли жараён. Унда нафақат адабиётшунослик ва тилшуносликнинг, балки социология, психология, эстетика, фалсафа каби фанлар эришган илмий-назарий ютуқлардан фойдаланиш мумкин.

Атоқли сўз устаси К.Федин “Ёзувчининг маҳорати ҳақидаги гапни тилдан бошлаш керак”, дейди. [31.39]

Дарҳақиқат, бадиий адабиётда тилсиз на образ яратиб бўлади, на пейзаж чизиб бўлади, на сюжетни ҳикоя қилиб бўлади, на композиция тузиб бўлади. Тилнинг аниқлиги, тозалиги, ўткирлиги ва образлиги учун кураш –

юксак маданият учун кураш эканлигини таъкидлаш жоиздир. Ана шунинг учун ҳам сўнгги вақтларда ўзбек тилшунослигида бадиий асар тилини текширишга алоҳида эътибор берилаётганлиги ва бадиий асар тилининг ёзувчи маҳоратининг таркибий бир қисми сифатида ўрганилаётганлиги бежиз эмас.

Ёзувчининг сўз танлаш санъати, образлар характерини тил воситасида очиш ва индивидуаллаштириш маҳорати, ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати, унинг халқ жонли тили бойликларидан (масалан, халқнинг мақол ва ибораларидан, фразеологик бирикмалар, идиоматик сўзлардан, вульгаризм ва варваризмлардан ҳамда диалектализмлардан) қандай фойдаланиши, унинг неологизмларни қандай қўлланиши, янги сўз ёки иборалар ясаши каби масалалар устида фикр юритилиб, ёзувчининг маҳорати, унинг ўзига хос стили ҳақида у ёки бу тарзда ҳукм чиқарилади. [50]

Х.Дониёров, Б.Йўлдошев “Адабий тил ва бадиий стиль” номли китобларида: бадиий асарда тилнинг ҳал қилувчи роль ўйнаши ҳамда асар тилининг гўзал ва сермазмун бўлиши лозимлиги тўғрисида ўзбек ёзувчилари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин ва бошқа йирик сўз усталари ҳам қимматли фикрлар айтганлар. Масалан, Абдулла Қодирий тилга ва унинг бадиий эстетик ҳамда ижтимоий ролига катта аҳамият берар ва ёш қаламкашлардан ҳам шуни талаб қилар эди: “Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир. Сўз – қолип, фикр унинг ичига қўйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвониغا асос бўлиб ётсин...” [57] дейди.

Ёзувчи учун сўз ҳам қурол, ҳам бўёқ, ҳам соз, ҳам товуш, ҳам мўйқалам вазифасини тўла бажаради, яъни сўз моҳир ёзувчилар қўлида образли фикрлаш, гўзал поэтик манзаралар чизиш учун восита бўлиб хизмат қилади.

Бадиий асар тилини нутқнинг функционал услубларидан бири – бадиий услубнинг намоён бўлиши тарзида ўрганиш ҳам муҳим ва зарурий йўналиш бўлиб, унда, таъбирнаш ҳам муҳим ва зарурий йўналиш бўлиб, унда, таъбир жоиз бўлса, тирик тилнинг ўзига хос, ёзувчининг индивидуал маҳорат маҳсули сифатидаги ва айни пайтда унинг “мен”и ҳам ўз ифодасини топган харақати ўрганилмоғи лозим. Аниқроқ айтиладиган бўлса, бадиий асар тили “санъат тили” маъносида талқин, таҳлил ва тадқиқ этилиб, тегишли хулосалар қилинмоғи мақсадга мувофиқ. Бадиий асар тилини “стистик аспект” да ўрганишда ана шу мақсад кўзда тутилади, аммо бу мақсадга эришиш ҳамиша ҳам осон кечмайди. Бу ўринда масала тилнинг турли вазифаларга эгаллигига бориб тақалади.

Ўз илмий ижодининг асосий қисмини бадиий асар тилини ўрганишга бағишлаган Г.О.Винокур тилшуносликда анча эскидан тилнинг коммуникатив ва экспрессив вазифалари фарқлана бошлаганини таъкидлар экан, фикрининг далили сифатида олмон тилшуноси Г.фон дер Габеленцнинг 1891 йилда нашр этилган китобидаги қуйидаги қарашини келтиради: “Тил фикрнинг бўлакларга бўлинган ҳолдаги ифодаси, фикр эса тушунчаларнинг боғланишидир. Лекин инсон тили фақат боғланаётган тушунчалар ва уларнинг мантикий муносабатларигина эмас, балки сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ҳам ифодалашни истайди; мен фақат ниманидир айтишнигина эмас, балки ўзимни ҳам ифодалашни хоҳлайман ва шу тарзда мантикий омилга уни ҳар жиҳатдан тўйинтирган ҳолда психологик омил қўшилади”. [19.44]

Йирик тилшунос Ғ.Абдурахмонов адабий асар тилини ўрганиш ҳақидаги мақоласида бадиий асар тилини тадқиқ этишнинг ўзига хос йўлларини белгилаб берган. Олим алоҳида таъкидлайдики, кўп ҳолларда асар тили ҳақидаги ишларда “танқидчилар ёки ўқитувчилар бирор асарни таҳлил қилар эканлар, асардаги қаҳрамонларни салбий ва ижобий образларга бўлиб, уларнинг ҳар бирини характерлаш билан чекланадилар, асарнинг тили, бу тилнинг мазмунга муносабати, воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда қандай

бадий тил воситаларидан фойдаланиш, ёзувчининг бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлари эътибордан четда қолди (ёки ана шундай таҳлил якунида асарнинг тили ҳақида ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган бир-икки оғиз сўз айтиш билан кифояланадилар)” [4.56]. Бадий асар тилини бу тарзда текшириш тўғри эмаслигини муаллиф аниқ далиллар билан очиқ берган, бадий тилни ўрганишда эътибор қилиниш шарт бўлган жиҳатларни бирма-бир кўрсатган.

Мақоладаги қуйидаги ҳаққоний фикрлар ҳам диққатга сазовор: “Шуни эсда тутиш керакки, асарнинг тили асарнинг мазмунини таҳлил қилгандан сўнг эмас, балки унинг мазмун таҳлили билан баробар олиб борилиши зарур... Ёзувчи умумхалқ тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, адабий тилни бойитади, мукаммаллаштиради. Ёзувчининг мазкур имкониятлардан қандай фойдаланганини ўрганиш асосий вазифалардан биридир”.

Мазкур мақолада ўртага ташланган масалалар бўйича асосий хулосаларни, тахминан, қуйидагича тартиблаш мумкин: 1.Бадий асар тили таҳлили унинг мазмун таҳлили билан баробар олиб борилиши зарур. 2.Ҳар қандай бадий асар тилини ўрганиш ва у ҳақда ҳукм чиқариш учун ёзувчи яшаган давр, тарихий шароит, асарнинг ёзилиш сабаби ва жараёни, ёзувчининг мақсади чуқур ўрганилиш лозим. 3.Бадий асар тили ёзувчининг бошқа асарлари тили билан муқояса қилинган ҳолда ўрганилиши керак. 4.Бадий асарда қўлланилган бирликларни тематик, семантик-стилистик, грамматик, тарихий-генетик, жиҳатдан туркумлаш ва асарнинг махсус луғатини ишлаб чиқиш лозим. 5.Ёзувчининг жонли халқ тилидан ҳамда традицион адабий тилдан қандай фойдаланганлигини аниқлаш ва асарнинг лексик-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш керак. 6.Ёзувчининг тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳоратини белгилаш. 7.Сўз маъноларининг ўзгаришини аниқлаш. 8.Сўзнинг семантик гуруҳларининг асарга олиб кирилишини ўрганиш. 9.Асарнинг синтактик структураси билан боғлиқ кузатишларни олиб бориш. 10.Нутқий стил ва стилизация

муаммоларини тадқиқ қилиш. Табиийки, мақоладаги бу хулосаларнинг асосий кўпчилиги бадиий асар тилида намоён бўлувчи бадииятга дахлдор ўзига хосликларни очишга ёрдам беради.

Бадиий асар тили, бадиий нутқ стилистикаси ҳақида гап кетганда, Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, Қ.Самадов, Б.Йўлдошев, Х.Дониёров ва С.Мирзаев, Л.Абдуллаева, Э.Қиличев, П.Қодиров, С.Каримов, Б.Умуркулов, Х.Абдурахмонов ва Н.Махмудов каби кўплаб олимларнинг номлари тилга олиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, ёзувчининг у ёки бу тил сатҳи бирликларини қўллашдаги ўзига хосликларини муфассал кўрсатишга қувонарлидир. Айни пайтда айтиш лозимки, бадиий тилни ўрганишда кўпроқ лексик бирликларнинг стилистикасига эътибор қилинганлиги кўзга ташланади. Масалан, тилшунос Л.Абдуллаева ўзининг монографиясида ўзбек бадиий адабиёти тилининг лексик стилистикаси муаммолари ҳақида фикр юритган. Э.Қиличев эса “Бадиий тасвирнинг лексик воситалари” китобида бадиий тавсирда иштирок этадиган лексик воситалар, уларнинг ифода имкониятлари билан тасвирда иштирок этадиган лексик воситалар, уларнинг ифода имкониятлари билан боғлиқ масалалар устида тўхталган. Кўриниб турганидай, ўзбек тилшунослигида бадиий асар тилининг стилистикаси бўйича анча-мунча иш қилинган. Аммо бу йўналишдаги тадқиқотлар доираси нечоғлик катта бўлишига қарамасдан, улар адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутадиган жиддий асарларнинг барчасини қамраб олган деб бўлмайди. Бунинг устига, мазкур тадқиқотларнинг илмий савиясини ҳам бир хил деб айтиш қийин. Шунингдек, кўпинча муайян тил бирлиги ёки ҳодисаси яхлит эстетик бутунлик сифатидаги бадиий асарнинг бир унсури тарзида эмас, балки умумий мазмундан узиб олинган ҳолда таҳлил этилган, баъзан сўз ёки бошқа бирликнинг тўғри-нотўғри қўлланилганлиги атрофидаги бадииятга алоқасиз баҳсларга катта ўрин берилган.

Маълумки, асримиз бошидаги ўзбек тили ва унинг услубига форсий, арабий, усмонли турк, татар тилларининг таъсири керагидан ортиқ эди. Инсон ўзлигини ифодалашда айтилган такомил йўли жараёнларида тилдан фойдаланишнинг, мазкур нутқ парчаларини бир-бири билан бириктиришнинг шундай усуллари ҳам кашф этганки, натижада бадий нутқ дейиладиган мўъжизакор бир воситанинг муаллифига айланган. Ана шундай гўзал нутқнинг бетакрор шакллари, намуналари сифатида юзага келган сўз дурдоналари – афсоналар, асотир, дostonлар, эртақлар, мақолу маталлар, топишмоқлар, қўшиқлар, шеърлар, драмалар, ҳикоя, қисса ва романлар инсоният бадий даҳосининг ноёб шаҳодатномалари сифатида яшаб келмоқда, яратилмоқда ва албатта, бундан кейин ҳам яратилади. Бу соҳир нутқнинг синоатларини тилшунослик, адабиётшунослик, эстетик, тарих каби фанлар, таъбир жоиз бўлса, қўлни қўлга бериб, бирликда, ҳамкорликда тадқиқ этади. Аммо бадий адабиёт дейиладиган ана шу ўзига хос майдондаги тилнинг ҳаётини ўрганиш борасида, гарчи бу муаммони ўрганишнинг ибтидоси энг қадимги даврларга бориб тақалса-да, мунозараю муҳокамалар, баҳслар ҳеч қачон тинган эмас.

Адабиётнинг сўз санъати эканлиги, унинг бирламчи унсури тил эканлиги ҳақидаги ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч бир замонда инкор этган эмас. Кишилиқ тарихида адабиёт аталмиш дунёни образли идрок этиш санъати яралибдики, бу санъатнинг ифода воситаси бўлган сўз, тилни тугал талқин этмоқдай машаққатли юмуш инсон тасаввури ва тафуккурини муттасил банд этиб келади [37.34]. Атоқли ўзбек адабиётшуноси О.Шарифиддинов шундай ёзади: “Рангсиз тасвирий санъат, оҳангсиз мусиқа бўлмаганидек, тилсиз адабиёт ҳам бўлмайди. Адабиётни инсоншунослик дейдилар. Дарҳақиқат, ёзувчи хилма-хил инсоний характерларни тадқиқ қилиб, жамият ривожига ёрдам берадиган салмоқли ҳақиқатларни кашф қилади. Бироқ буларнинг ҳаммаси адабиётда тил орқали рўёбга чиқарилади” [53.69]. Бу ўринда йирик адиб ва адабиётшунос П.Қодировнинг қуйидаги фикрлари ҳам алоҳида диққатга сазовор: “Ҳайкаллар мисдан, мраммрдан ясалади, бинолар ғиштдан,

ойнадан, пўлатдан курилади. Адабий асарнинг миснинг ҳам, мармарнинг ҳам, пўлат ва ғиштнинг ҳам ўрнига бадиий сўз ишлатилади. Адабий асарнинг музыка, рассомлик ва бошқа ижод соҳаларидан фарқи унинг оҳанглар, чизиклар, бўёқлар воситаси билан эмас, сўзлар воситаси билан яратилишида кўринади. Демак, бадиий тил ҳар қандай адабий асарнинг спецификасини белгилайдиган энг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади”.

Бу ҳолат бадиий асарлар, публицистик мақолалар, умуман газеталар тилида ҳам акс этар эди. Бу табиий равишда ҳар қандай адабий-бадиий матннинг тушунилишини қийинлаштирар, уларнинг таъсир кучини сусайтирар эди.

Г.Келдиёрова ёзишича бадиий асар тилини ўрганишга эътибор XX асрнинг 30 - йилларидан янада кучайгани, шу борада жаҳон, рус тилшунослигида, кейинроқ эса, ўзбек тилшунослигида ҳам жиддий тадқиқотлар яратилганлигига эътироф этади. Масалан, В.Матезиус ва Р.О.Якобсон ташаббуси билан 1926 йилда Прага лингвистик тўгараги ташкил топган бўлиб, тўгаракнинг асосий масалаларидан бири тилга функционал жиҳатдан ёндашиш бўлган, Чех олимлари Б.Гавренек, В.Матезиус, Я.Мукаржавский тадқиқотлари бадиий адабиёт тилини ўрганиш, бадиий тил ва поэтик тил, тил ва услуб муаммоларига бағишланган. Жаҳон ва рус тилшунослигида бадиий асар тилин тадқиқ қилишга бағишланган йирик тадқиқотлар мавжуд.


Жаҳон ва рус тилшунослигида бадиий асар тилини тадқиқ қилишга бағишланган йирик тадқиқотлар мавжуд. Уларда бадиий асар тилини асослари, унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида диққатга сазовор фикрлар ўртага ташланди. Чех олимларидан Л.Долежел ва К.Гаузенбласлар “Бадиий адабиёт стилистикасининг ядроси бадиий адабиётнинг тил услубини тадқиқ қилувчи лингвистик стилистикадир”, - деб ҳисоблайдилар.

Бадиий асар тилини ўрганиш ҳақидаги фан рус тилшунослигида акад. В.Виноградов номи билан боғлиқ. Унинг таъкидлашича, “бадиий адабиёт тилини тадқиқ қилиш тилшунослик ва адабиётшуносликка яқин, бироқ

уларнинг ҳар иккисидан ажралиб турувчи махсус филологик фаннинг предмети бўлиши лозим”.

Н.П.Потацкая “Бадиий адабиёт тилининг эстетик вазифаси билан тилнинг эстетик вазифаси билан тилнинг экспрессив-стилистик воситалари вазифаси принципиал фарқланмаслиги боис, бадиий адабиёт тилини ўрганадиган фанни бир-биридан ажратиш ноўрин”, - деб ҳисоблайди [32.89].

Муайян бирор тил стилистикасининг ривожланишида миллий бадиий адабиёт тилининг аҳамияти катта эканлиги бадиий асарлар тилини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари тадқиқотчиларни ўзига жалб қилиб келаётгани маълум. Чунки “Миллий адабий тилнинг тараққиёти учун бадиий адабиёт тили энг асосий манбалардан бири бўлиб, у тилнинг бойлигини ва умумхалқ тилининг ифода воситаларини кўрсатишга хизмат қилади” [17.163]. Бадиий асар тили ҳақида сўз борар экан, даставвал, тилнинг бевосита бир-бирига алоқадор уч томонини қайд этиш зарур бўлади:



Бу тушунчалар бир-бирини тўлдириб, айти пайтда бир-биридан озуқа олиб яшайди. Назарий манбаларда уларнинг қуйидаги хусусиятлари қайд этилади:

1) адабий тил грамматик меъёрларга бўйсундирилган қатъий талаффуз нормаларига эга бўлган, жонли халқ тилидаги ҳар хилликларни бир хилликка олиб келган тилдир;

2) жонли сўзлашув тили ёки умумхалқ тилида грамматика ва орфоэпия қоидаларига доим ҳам амал қилинавермайди, эмоционал лексика ва фразеология, шева элементлари, касб-ҳунар лексикаси, жаргонлар, вульгаризмлар ва бошқалардан кенг фойдаланилади;

3) бадий тил эса жонли сўзлашув тилига асосланган, адабий тил билан чамбарчас боғланган, ҳаммага тушунарли бўлган, “сўз усталари томонидан пардозланган, сайқал берилган поэтик тилдир” [18.62]. Рус тилшуноси Л.В.Шерба ўз тадқиқотларида биринчилардан бўлиб бадий асарлар тилини ўрганиш масаласини алоҳида муаммо сифатида кўтариб чиқади. У бадий асар тилини ўрганишдан мақсад “бадий асарларнинг ғоявий мазмуни ва у билан боғлиқ бўлган ҳиссий мазмунни ифодаловчи у ёки бу лисоний воситаларни кўрсатиб бериш” [52.97] эканлигини таъкидлайди.

А.Пешковский ҳам эътиборни бадий асар тилини ўрганишга қаратди: “Гўдак катталар нутқини тушуниши, уқиши орқали гапиришни ўрганганидек, ижодкор ҳам ўз хусусий услубига фақат ўзгалар услубини тушуниш, ўқиш орқали эга бўлади. Шунинг учун мен услубни ўрганишда “матннинг чуқурлаштирилган услубий таҳлили”ни асосий ўринга қўяман” [54.7]. Ўзбек филологиясидаги ёзувчи тили услуби, бадий асар тили бўйича қилинган тадқиқот ишларида бадий адабиёт тили муаммолари борасида турлича қарашлар мавжуд. Б.Умурқулов “Поэтик нутқ лексикаси” монографиясида бу соҳадаги ишларни 3 гуруҳга бўлади:

- 1) умумий масалаларга доир ишлар;
- 2) лингвистик аспектда ўрганишга доир ишлар;
- 3) адабиётшунослик аспектида ўрганишга доир ишлар.

Б.Умурқуловнинг ушбу монографиясида алоҳида қайд этилган, лекин гуруҳ сифатида кўрсатилмаган бир қатор тадқиқотлар борки, булар бирор

конкрет ижодкорлик тилдан фойдаланиш маҳорати ҳақида баҳс юритади. Бундай ишларда бадий асар тилининг адабиётшунослик ва тилшунослик омиллари баровар текширилади. Шунингдек, монографиясида ҳозирги ўзбек шеърияти тилининг лексик манбалари, поэтик лексика, анъанавий поэтизмлар, сўз вариантлари ва уларнинг эстетик қиммати каби масалалар тадқиқ этилган.

Муайян ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини ёритиш тилшунослик масаласими ёки адабиётшунослик доирасига кирадими? Деган мунозарали муаммога тадқиқотчилар ҳар хил ёндашадилар. Бадий адабиёт тилини ўрганишда тилшунос кўрпани фақат биргина ўзининг ҳақи деб, ўз томонига тортса, адабиётшунос ўз томонига тортса, аниқки, ижобий натижага эришмоқ мушкул. Чунки кўрпа, каттадир-кичикдир, қалиндир-юпкадир, битта. Шу битта кўрпани баҳам кўрмоқ тилшунос ва адабиётшуносликнинг филологик фаолиятдаги қисматидир. Масалан, С.Мамажонов, О.Шарафутдинов, Н.Каримов, Н.Шукуров, М.Султонова, Ж.Турсунов, Ў.Солижонов, Г.Имомова, А.Бобониёзовлар масалага адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашадилар.

Ж.Турсунов “Ғ.Ғуломнинг прозадаги маҳоратига доир” номли номзодлик диссертациясида бир ўринда “Ёзувчининг умумхалқ тилидан, бадий тил воситаларидан фойдаланиши унинг стилининг маълум бир томонидир, холос” [49.151] дегани ҳолда, ишнинг кейинги қисмида: “Тил ҳар бир ёзувчининг ўзига хос стили (услуби)ни таъмин этувчи асосий омиллардан бири бўлиб, санъаткор қаламига хос бўлган индивидуал томонлар бошқа кўп бадий факторларга нисбатан тилда кўпроқ намоён бўлади” деб, ўзининг дастабки фикрига бирмунча аниқлик киритади. Бундан кўринадики, тадқиқотчи истайдими – истамайдими, ёзувчининг бадий тил маҳоратини текшираётганда лингвистик тамойилларга ҳам ёндашишга мажбур бўлади.

А.Ў.Бобониёзова эса “Тилшунослик фани бадий асар тилини ўзининг аниқ методикаси, лексикаси, семантика, морфология, синтаксис каби

соҳалари орқали илмий текшириш ишларини олиб боради. Бадиий асардан ўша қонуниятларни тўғри ёки нотўғрилигини исботлаш учун кўплаб мисоллар олади. Лекин бу билан бадиий тилни анализ қилиб бўлмайди. Тўғри, саводли одам бўлиши керак. У тилнинг лексик, грамматик қонун-қоидаларини билиши зарур. Умуман, ёзувчи бадиий маҳоратини, унинг тилдаги оҳанг ва сержилолигини тилшунослик терминологияси орқали очиб бўлмайди. Чунки бу соҳада образ ва характерларнинг қандай сўз воситасида тасвирланганлигининг таълил муаллифнинг қандай қоидаларга амал қилганлиги айтиб ўтилади, холос” [14.4] деб ёзади.

Демак, бадиий асар тилининг лингвистик таҳлили тушунчасини чуқурроқ маънода олиб қараш керак бўлади. Чунки бундай ёндашувда ҳам ёзувчининг муайян тил бирликларидан фойдаланиб, қандай маънони юзага чиқариши ўз-ўзидан эътиборга олинади. Фақат бунда ўша тил элементларининг келиб чиқиш фактига чуқурроқ ёндашилади. Худди танганинг икки томонини ажратиб бўлганидек, бадиий адабиёт тилини ёки бадиий асарнинг ўзини алоҳида бўлақларга ажратиб қараш ўзини оқламайди. “Агар тилшунослик билан адабиётшунослик филология фанининг икки асосий соҳаси бўлса, бадиий тил шу иккала соҳага ҳам озуқа берадиган, уларни тубдан бирлаштириб турган умумий илдиздир” [56] .

Инсонларнинг кишилик жамияти сифатидаги алоҳида – алоҳида қавмлар тарзида бирлашиши ва бирликда не не мушкулотларни бартараф этиб, тамаддун дейиладиган тараққиёт йўлларида мунтазам одим отмоғида улар ўртасидаги коммуникация, мулоқотнинг ўрни, шубҳасизки бениҳоя муҳим. Коммуникатив фаолиятдан тамоман холи бўлган, аъзолари ўзаро мулоқот имкониятидан бутунлай маҳрум бўлган кишилик жамиятини тасаввур ҳам этиб бўлмайди.

Неча минг йиллардир, одам боласи ўрганади, ўргатади, тажрибаларини тўплайди, сақлайди ва бошқаларга етказди. Албатта, бу фаолиятларнинг, ҳеч бир истисносиз барчаси – ўрганиш ва ўргатиш ҳам, тажриба-ахборотларни тўплаш ва сақлаш ҳам, уларни бошқалардан олиш ва

бошқаларга бериш ҳам тил воситасидаги мулоқот (оғзаки ва ёзма) орқали амалга ошади. Зотан, тилнинг моҳиятига дахлдор бўлган бош вазифасининг коммуникатив вазифа эканлиги бу фақат мутахассисгагина эмас, балки барчага беш қўлдай маълум бир ҳақиқат. Аммо мазкур коммуникатив алоқанинг, нутқий мулоқатнинг лисоний-мантикий, ижтимоий-руҳий, тарихий-эстетик механизмлари улар билан боғлиқ қоида-қонуниятлар, ўзига хосликлар тегишли фанлар (тилшунослик, адабиётшунослик, мантик, социология, эстетика каби) томонидан тўлалича ўрганиб бўлинган эмас. Бу борада жуда кўплаб муаммолар ҳамма замонларда олимларнинг эътиборида бўлиб келганлигига қарамай, ҳамон баҳсу мунозараларга сабаб бўлади, илгари сурилган турли фикрлар гоҳ бировлар томонидан эътироф этилса, гоҳ жиддий эътирозларни туғдириб келади. Маълумки, ҳар қандай нутқий коммуникациянинг юзага келиши, воқеаланишида уч асосий унсурнинг иштироки мажбурийдир, яъни сўзловчи(ёзувчи) – ахборот (матн) – тингловчи (ўқувчи). Тўғри, нутқий коммуникацияда нутқий шароит, ахборот канали (овоз, ёзув, магнит ёзуви, телефон каби), мулоқот аъзоларининг мақоми, ёши ва бошқа белгилари, шунингдек, бошқа турли ғайрилисоний воситаларнинг ҳам ўрни бениҳоя муҳим, ҳатто кўпинча ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Лекин мазкур уч унсур нутқий коммуникациянинг асосий устунларидир, уларнинг бирортасисиз мулоқот жараёни воқе бўлолмайди.

Тилшуносликда ўз ўрганиш объектини алоҳида-алоҳида бўлимларга ажратган, яъни фонетика-фонологияда товуш (фонема)лар, морфологияда морфемалар, лексикологияда лексемалар, синтаксисда эса содда ва қўшма гаплар ўрганилади. Айтиш мумкинки, анъанавий тилшуносликда тилнинг энг юқори сатҳидаги энг олий ва охириги бирлик гап деб қараб келинади. Поляк тилшуноси М.Р.Майеновнинг таъбири билан айтишганда, “Гап тугаган жойда тилшунослик ўз кузатишларини тугатади” деган ҳукм яқинларгача очиқ ҳақиқат ҳисобланган. Кўп гаплардан таркиб топган матнлар кенг маънодаги грамматика доираси билан батамом ва тўласича чегараланувчи бу фан соҳаси кузатишларидан четда қолади.

Боғли нутқ, яхлит нутқий асар, матнни ўрганиш, яъни матнга гап – период – янада йирикроқ парча – яхлит бутунлик тарзидаги даражаланишда ёндашиш антик даврда – Аристотель ва унинг издошларидан бошланган [15.22]. Рус тилшунослигида матн (“текст”) тушунчасининг ривожини ўтган асрнинг 40-йилларига тўғри келади. 1947 йилда А.И.Белич ўзининг тилшунослик фанларининг таснифига бағишланган мақоласида тил фактларининг грамматик тавсифида маъно умумийлиги асосида боғланган ва муайян синтактик-семантик яхлитлик тарзида намоён бўладиган гапларнинг бутун занжирига алоҳида ўрин берилиши лозимлигига ва бу “матн” тушунчасининг юзага келиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканлигига эътиборни қаратган, ана шундай гаплар занжиридаги ўзаро муносабат ва алоқаларни тилшуносликнинг синтаксис бўлимида ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган [16.33-34]. Матн назарияси, матн лингвистикасининг умумий шаклланиши ва ривожланиши ва ривожига чех (прага лингвистик тўғараги вакиллари), немис, француз, инглиз, Америка, голланд, поляк ва бошқа тилшунослик мактаблари вакиллари хизматлари дунё тилшунослигида эътироф этилган ва доимий равишда илмий тадқиқотларда тилга олинади. Рус тилшунослигида ҳам матн назарияси ва лингвистикаси муаммолари В.В.Одинцов, И.Р.Гальперин, О.И.Москальская, Л.М.Лосева, Ю.М.Лотман, З.Я.Тураева, Н.Д.Зарубина, Е.В.Сидиров, О.Л.Каменская, А.И.Горшков, Н.С.Валгина каби кўплаб тилшунослар томонидан ўрганиб келинади.

Тилшуносликдаги бу йўналишдаги тадқиқотларнинг атрофлича таҳлил қилган О.И.Москальская ўтган асрнинг 60-70 йилларига келиб матнни лингвистик ўрганишга бўлган қизиқиш бениҳоя ортганлигини, дунё тилшунослигида матн лингвистикаси бўйича мисли кўрилмаган миқдорда тадқиқотлар юзага келганлигини ва матн лингвистикаси мустақил тилшунослик фани сифатида тўла эътироф этилганлигини таъкилар экан, тадқиқотлардаги бу эътирофга тамал бўлган асосий қоидаларни қуйидагича гуруҳларга бўлиб умумлаштирилади:

1. Нутқнинг тугалланган фикр билдирадиган асосий бирлиги гап эмас, балки матндир; гап-фикр эса фақат хусусий ҳолат, матннинг алоҳида туридир. Матн синтактик сатҳнинг олий бирлиги ҳисобланади.
2. Конкрет нутқий асарлар – матнларнинг асосида матн тузилишнинг умумий томоийллари ётади; бу томоийллар нутқ соҳасига эмас, балки тил системасига ёки тил ваколатига дахлдордир. Бу жиҳатлар ҳисобга олинса, шулардан келиб чиқилса матнни фақат нутқ бирлигигина эмас, балки айтиш пайтда тил бирлиги деб ҳам ҳисоблаш керак.
3. Бошқа тил бирликлари каби матн лисоний белгилар системасининг қисмидир.
4. Матнни алоҳида сатҳнинг нутқий ва лисоний бирлиги сифатида ҳар томонлама ўрганиш тилшунослик доирасидаги махсус фан – матн лингвистикасини яратишни тақозо этади.

Матн лингвистикаси шу тарзда шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Аммо рус тилшунослигида матн лингвистикаси ўзининг ўрганиш доирасига керагидан ортиқ кўп масаларни қамраганлиги, бошқа фан соҳаларининг муаммоларига қамраганлиги, бошқа фан соҳаларининг муаммоларига аралашаётганлиги каби даъволар билан айтилган танқидий фикрлар ҳам йўқ эмас. Масалан, таниқли рус филологи Р.А.Будагов дунёнинг бир қатор мутахассислари томонидан матн лингвистикаси бўйича яратилган тадқиқотлар жамланган тўпламнинг нашр этилиши муносабати билан ёзган “Матн лингвистикаси” қай даражада лингвистикадир?” деб номланган мақоласида матн лингвистикаси инсоннинг матнни яратиш, тузиш, тушуниш, тартиблаш композицион яхлитлигини идрок этиш каби қобилиятларни ўрганмоқчи бўлади, ҳолбуки, бу бошқа фанларнинг вазифаларини ўз зиммасига олиш бўлади, қабилида эътироз билдиради. Ўзбек тилшунослигида ҳам матн ва унинг тадқиқи борасида анча-мунча ишлар қилинган. Ўзбек тили илмида биринчилардан бўлиб академик

Ғ.Абдурахмонов 1980 йилнинг 10-12 сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган собиқ Иттифок туркийшуносларининг III конференциясида матн назариясига бағишланган маъруза қилиб муаммонинг моҳияти ва ечимлари ҳақида ўз фикрларини билдирган, бир қатор матн турларини ажратиб кўрсатган эди [16.89]. А.Ғуломов гапдаги фикр тугаллигининг нисбий эканлигини, асарда мазмун тўлиқлиги бутун матндан англашилишини таъкидлаб, уч абзацдан ташкил топган яхлит матнни мисол қилиб келтиради ва ундан келиб чиқиб, қуйидагиларни ёзади: “1.Фикр баён қилиш гап (содда гап ва қўшма гап) доирасигина билангина чегараланмайди. Тўлиқ фикрни, одатда, гапдан йирик бўлган синтактик бутунлик беради. Гап бу бутунлик составида унинг бир компоненти саналади. 2. Бу компонент шу бутунликдаги бошқа компонентлар билан ҳар жиҳатдан (мазмун, грамматик) турли воситалар орқали боғланган бўлади. Унинг ўз композицияси ва стилистик хусусиятлари сақланган бўлади. 3. Содда гап бутунлик составида маълум шароитларда ўзича бир абзацни ташкил қилиши мумкин... 4.Бундай синтактик бутунлик, синтактик конструкция текст саналади. Айрим – узук гап нисбий тугал фикрни ифодалайди, текст бутун бир комплекснинг мундарижасини билдиради. 5. Текст бир бутунлик бўлганлигидан, у ўз мундарижасига мос келадиган айрим сарлавҳаларга эга бўлиши ҳам мумкин. 6.Текст – йирик нутқ парчаси, абзац эса текстнинг бўлаги. Текстнинг ҳамма кўринишлари (максимал текст ва минимал текст) маълум бир темани (мундарижани) тугал ифодалайди. Демак, у юқори даражадаги синтактик бирлик....”матн муаммолари билан жиддий шуғуланган ўзбек тилшуносларидан яна бири М.Ҳакимовдир. У асосий мақсади “илмий матн ва унинг бирликлари орасидаги мазмуний муносабатни ифода этувчи боғловчилар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини аниқлашга йўналтирилган ишларга ҳисса қўшиш, илмий матнда муаллифнинг хусусий муносабати ҳамда унинг турларини белгилаш” дан иборат бўлган номзодлик диссертацияси ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятларини бой фактик материаллари асосида батафсил тадқиқ этган

[55.89]. Матн муаммоларини ўрганиш ва унинг яхлит илмий назариясини яратишнинг хориждаги фаолларидан бири немис тилшуноси Р.Харвег 1974 йилда лингвистикасининг тилшуносликда тўлиқ асосланиши учун камида юз йил керак бўлишини таъкидлаган эди. Аммо бугун бу гапнинг айтилганига 40 йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин бутун дунёда мунтазам ва қизғин олиб борилган жиддий илмий изланишлар, тадқиқотларнинг табиий натижаси ўлароқ “матн лингвистикаси” (“матн назарияси”) номи билан бўладими ёки “матн грамматика” (“матн синтаксиси”) номи билан бўладими, барибир, шундай бир йўналиш алоҳида фан ва ўқув предмети сифатида шакллانганлиги кенг эътироф этилган ва буни ҳеч ким инкор қилмайди.

Тилда ҳам ҳар бир унсурнинг ўз вазифаси, маъно доираси, бошқа унвурлар, бирликлар билан боғланиш қонуниятлари мавжуд. Ана шу қонуниятлардан мукамал бохабар бўлган, бадиий диди, сўз сезгиси ва маҳорати юксак ёзувчи бетакрор тасвир, кутилмаган, оҳорли бадиий лавҳалар, сўз чақинларини пайдо қила оладик, китобхон адибнинг нафақат ғояси, балки гўзал тилининг асирига айлади. Бунда ёзувчи умумхалқ тилидаги бадиий тасвирга фавқулодда мувофиқ бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, лисоний – бадиий қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда уларга юкланган хилма-хил бадиий-эстетик маънолар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Тилдаги номинатив бирликларнинг маъно тузилишини ўрганишда тилшуносликда семантиканинг коннотатив жиҳати тушунчасига алоҳида эътибор қилинади. Бу масалани монографик тарзда тадқиқ этган В.Н.Телия таърифча, “коннотация – тил бирликлари семантикасига узул ёки окказионал равишда кирадиган, нутқ субъектининг борлиқни жумлада ифодалашида унинг айна шу борлиққа бўлган ҳиссий – баҳолаш ва стилистик муносабатини ифодалайдиган ҳам шу ахборотга кўра экспрессив қиммат касб этадиган мазмуний моҳият” дир. Коннотация, таърифидан кўриниб турганидай, сўзловчининг борлиқни ифодалаш воситаларига муносабатига дахлдор бўлган жиҳатдир. Масалан, *юз, бет, чеҳра, рухсор,*

афт, башара, турқ каби сўзлар қаторидан тегишли нутқ вазияти ва субъектив нуқтаи назарга мувофиғини танлаш сўзловчининг ўзига берилган имконият эканлиги маълум.

В.Н.Телия сўзнинг лексик маъносини, камида уч макроузвнинг комбинацияси сифатида тасаввур этиш мумкинлигини айтади: 1) маънонинг борлиқдаги муайян реалликни ифодаловчи денотатив узви; 2) категориал-грамматик узви; 3) нутқ субъектининг сўз орқали ифодаланган нарсага муносабатини англатадиган эмотив-модал узви. Ана шу учинчи узв экспрессив бўёқ, услубий бўёқ, эмоционал бўёқ, субъектив баҳо каби тушунчаларни умумлаштирувчи коннотатив маънолардир.

Ўзбек тилшунослигида бадиий матн лингвопоэтикасини тадқиқ этиш масаласи кенг ўрганилган. Ана шундай ишлардан Йўлдошев М, Искандарова Ш, Боймирзаева С, Омонтурдиев А, Абдурахмонов Ш, Аҳмедова Ш, Жалолова Л, Мўминов С ва бошқа тилшунос олимларнинг илмий тадқиқотларини кўрсатишимиз мумкин.

Ушбу муаллифлар бадиий асар тилининг лингвистик ва стилистик хусусиятларини текширдилар ва шакл ҳамда мазмун бирлиги, персонаж нутқини индивидуаллаштириш омиллари, муаллиф нутқи, услуби, бадиий маҳорати, сўз қўллашдаги зукколиклари устида фикр юритдилар. Мазкур илмий ишларнинг барчасида асосий эътибор бадиий асар тилига қаратилгандир.

Илгарироқ бадиий асар поэтикасига нисбатан лисоний ёндашувга ҳаракат Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Чўлпон, А.Қодирий, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Саид Аҳмад каби адиблар ижодига нисбатан кузатилади. Сўнгги давр ёзувчилари насрий асарлар хусусидаги илмий тадқиқотлар характери, асосан, адабий таҳлил доирасида эканлиги ва бадиий асар тилини лингвистик жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж ортганлиги боис, кейинги пайтда лингвопоэтик таҳлилга эътибор анча кучайди. Бу борада қатор ишлар ҳам амалга оширилди. Хусусан, Р.У.Нормуродовнинг “Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари” (2000), М.Йўлдошевнинг “Чўлпон сўзининг сирлари” (2002),

Г.Муҳаммаджонованинг “80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи” (2003), М.Муҳиддинов ва С.Каримовларнинг “Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати” (2003), Д.Неъматованинг “Чўлпон публицистикасининг лингвостик хусусиятлари” (2004), С.Боймирзаеванинг “Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи” (2004) каби тадқиқотларида Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом каби сўз усталари ижодини ўрганишга бағишланган анъанавий мавзулар ёки шеърият борасида тадқиқотлар олиб борилган.

Маълумки, поэтика “бадий асарларда ифода воситалари тизими ҳақидаги фан, энг қадимий адабиётшунослик фани. “Поэтика” термини дастлаб Аристотелнинг “Поэтика” асарида қўлланган. Бу асар бадий асар ва унинг тилига оид назарий масалаларни ёритишда дастлабки асарлардан ҳисобланади” [41.162]. Қадимги даврлардан ҳозирги қадар ҳам поэтика, кўриниб турганидай, адабиётшуносликка оид фан сифатида қаралади. Айни пайтда, айтиш мумкинки, поэтика барибир адабиётшуносликка қанчалик алоқадор бўлса, юқорида таъкидланганидек, тилшуносликка ҳам шунчалик яқиндир.

Машҳур рус филологи В.Жирмунский “Поэтиканинг вазифалари” номли ишида А.А.Потебня асарларидаги, гарчи унинг яхлит концепциясида эътирозли ўринлар кўп бўлсада, поэтикани тил ҳақидаги умумий фан – лингвистика билан яқинлаштиришдан иборат методи ўта самарадор эканлигини ва шунинг учун кенг эътироф этилганлигини алоҳида таъкидлайди [28.167]. В.Жирмунскийнинг поэтика ва лингвистика ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик ҳақидаги қуйидаги фикрлари алоҳида эътиборга молик: “Ҳамонки, поэзиянинг материали сўз экан, поэтиканинг системали тузилиши асосига бизга лингвистика берадиган тил фактларининг таснифи қўйилмоғи лозим. Бадий вазифага бўйсундирилган бу фактларнинг ҳар бири шу тариқа поэтик усул (приём)га айланади. Шундай қилиб, тил ҳақидаги фанни ҳар бир бўлимига назарий поэтиканинг алоҳида бўлими

мувофиқ келиши керак.” Бунда у, албатта, поэтик фонетика, поэтик морфология, поэтик синтаксис кабиларни назарда тутди.

Бадиий матн поэтикасида тил бирликларининг эстетик мақсадни юзага чиқариш жараёнидаги “ишлаш механизмлари”нинг бениҳоя ўзига хосликларидан ҳайратга тушган бу соҳанинг номдор тадқиқотчилари тилшуносликсиз поэтика йўқ қабилидаги хулосаларга ҳам келганлар. Масалан, Р.Якобсон “Лингвистика ва поэтика” номли дастурий маърузаси (АҚШ, 1958 йил)да ҳатто “поэтикани лингвистиканинг таркибий қисми сифатида қараш мумкин” тарзидаги тезисни ҳам илгари сурган.

Демакки, бадиий матн поэтикасига лингвистик ёндашув, яъни лингвопоэтика бошқа ёндашувларни асло инкор этмайди, балки мазкур ёндашувнинг етакчилигини кўрсатади, холос. Аммо баъзи тадқиқотчилар лингвопоэтиканинг фақат тилшуносларга тегишлилигини, бадиий нутқни тадқиқ этиш учун тегишли тажриба ва керакли қуролга фақат тилшунослар эга бўлганлиги учун уни фақат тилшунослар ўрганиши лозимлигини айтадилар. Лекин бундай кескин талаблар жиддий илмий эътирозларга сабаб бўлган. Масалан, Р.А.Будагов бу талабга мана бундай жавоб берган: “Мен чуқур ишонаманки, поэтика филологик билимлар системасида яхлит фандир. У билан бадиий сўз тақдирини, ҳам шеърини, ҳам насрий тил тақдирини ўзлари учун қадрли деб билган филологлар шуғулланишлари лозим”.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг бетакрор бадиияти, сиру синоатга тўла қонуният тилсимлари, лингвофольклористика масаларини теран тадқиқ этган серқамров филолог Б.Саримсоқов тил бадиияти муаммосини ўрганишда тилшунос ва адабиётшуносларнинг доимий ҳамкорлигини тарғиб этишдан чарчамаган олим эди. У шундай ёзади: “...Тилшуносни ёки адабиётшуносни, лингвопоэтикада, бадиийлик (образлилик) масалаларида бирлашиб кетишлари лозим, шундагина улар ҳақиқий филологга айланадилар. Бадиийлик муаммолари эса соф филологик муаммолардир” [45.90]. Бадиий асар тилини “стилистик аспект”да ўрганишга қараганда лингвопоэтик ўрганиш бир қадар илгари қўйилган қадам ва анча

самарали йўл эканлиги бугун ойдинлашиб бормокда. Айни пайтда бадиий асар тилининг лингвопоэтик таҳлили лингвостилистик таҳлил натижаларига асосланиши ҳам тадқиқотчилар томонидан таъкидланади.

Мамнуният билан айтиш лозимки, ўзбек тилшунослигида лингвостилик йўналишда, таъкидлаб ўтилганидай, жуда катта миқдордаги илмий ишлар яратилди ва яратилмокда. Ҳеч шубҳасиз, ана шу лингвостилистик йўналишдаги илмий ишларда тўпланган тажрибалар, назарий хулосалар табиий

Бадиий асар тилининг бадиий-эстетик вазифалари тилшуносликнинг назарий томонлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинар экан, кейинги пайтда истеъмолга кириб келган *лингвопоэтика* атамасини қўллаш ўринли ҳисобланади. Чунки, “Лингвопоэтик таҳлил жараёни фақат ёзувчининг тили ва услуби ҳақида маълумот бериш билан чегараланмайди, балки асар яратилган давр тилининг ўзига хослиги, ёзувчининг сўз бойлиги, тил воситаларидан фойдаланиш усуллари, бадиий тасвир воситадарининг тил фактлари воситасида акс эттирилиши, умуман, тилни унинг барча сатҳлари юзасидан таҳлил қилишдан иборат бўлади” [44.47-48]

“*Лингвопоэтика*” атамаси бадиий асар тилини ўрганишда нисбатан кенг қамровли тушунчани ўз ичига олиб, асарнинг бадиийлигини таъминловчи унсурларни тилнинг барча сатҳлари доирасида ўрганади.

Ўзбек адабий тилининг ривожланиши, умуммиллий адабий тил даражасига кўтарилишида бадиий адабиётнинг ўрни бекиёсдир. Шундай экан, бугунги давр адабиётига ўз ҳиссасини қўшаётган ижодкорлар асарларида тили ва услубини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

I БОБ

ВАРВАРИЗМ ВА ВУЛЬГАРИЗМЛАРНИНГ ТИЛДАГИ ЎРНИ

1.1.ТИЛШУНОСЛИКДА ВАРВАРИЗМГА МУНОСАБАТ

Баъзи ҳолларда нутқда ўзга тилларга хос ўзбек тилига ўзлашмаган ўзлашиши учун ҳам эҳтиёж бўлмаган сўзлар, сўз бирикмалари, ибораларни учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти сўз ҳолида (молодец, хорошо, понятно, отец, мамаша), сўз бирикмаси ҳолида (званить қилган, вот, бу бошқа гап, воошўем созванимся, сдавать қилдим, мияни компостировать қилма, отдыхать қилдик, обед қилдик, братишкам бор, передавать қилдим, включать қилиб юбор, аппетитим яхши, Карим привет) турли тилларга хос сўзларнинг, сўз ва ибораларнинг қоришиқ ҳолда тузилган жумлаларидан иборат бўлади. Нутқда учрайдиган бундай сўз, сўз бирикмалари, иборалар тилшуносликда **варваризмлар** деб юритилади. Варваризмлар нутқ сўзланаётган тилга хос бўлмаган унинг луғавий ҳодисасидир. Шу сабабли варваризмлар луғатшуносликда “ўзлаштирувчи тилга хос бўлмаган сўз ва иборалар”, “бошқа тилдан олинган, ўзлаштирувчи тилга хос бўлмаган сўз ва ибора” деб изоҳланади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бундай ажнабий сўз ва иборалар маданий нутқ тозалигини бузади. Нутқнинг тозалиги деганда унда тил элементларининг ишлатилишида адабий тил меъёрларида амал қилиш-қилмаслик тушунилади. Яхши намунавий нутқ ҳозирги ўзбек адабий тили талабларига мос ҳолда шаклланган бўлиши, турли ғайриадабий ва ғайриахлоқий тил элементларидан ҳоли бўлиши керак. Бу масаланинг тил жиҳати бўлиб, нутқий тозаликнинг тилдан ташқари – паралингвистик жиҳатлари ҳам ундан кам бўлмаган аҳамиятга эга. Чунки у бой маънавий-ахлоқий қадриятларга эга бўлган ва бугун мустақиллик даврида яшаб, дунё ҳамжамияти билан тенг мавқеда мулоқотда бўлаётган ўзбек халқининг маданий даражасига мос бўлиши лозим.

Хўш, нутқимизнинг тоза бўлишига халақит бераётган лингвистик элементлар қайсилар? Булар асосан диалектизмлар ва варваризмлардир.

Тўғри, улар тилимизда ишлатилиши керак, бу сиз бўлмайди. Чунки бадий адабиёт тилида диалектизм ва варваризмлар маълум бадий-эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум ғоясини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши мумкин. Айтайлик, муаллиф миллий руҳни бермоқчи, асар қаҳрамонининг қаерлик эканлигига ишора қилмоқчи ёки бошқа бир мақсадни кўзлаган бўлсин. Ана шундай пайтларда тилнинг бу унсурларига мурожаат қилиш ҳатто зарур [46.90].

Варваризмлардан, одатда, ўзга ер ва халқларга хос расм-одатларни тасвирлашда, баъзан чет эл маданияти олдида сажда қилувчи персонажларнинг нутқини индивидуллаштиришда фойдаланилади. Аммо баъзи шахслар ўз нутқларига эътибор бермай, пала-партишлик билан тилимизга кириб, ўзлашмаган “заявления ёзди”, “бошлиқ зайнат”, “организоват қил”, “документ топширди” каби қолипларда гапираверадилар. Ҳ.Аҳмедова “Буви” ҳикоясида айрим варваризм (ажнабий) сўзларнинг ноўрин ва номақбул шаклда ишлатилаётганлигини қаттиқ танқид қилади: “Кексайгандан кейин одам аразчи, инжиқ бўлиб қолар экан. Болалари дастурхон устидан оминсиз туриб кетишса, кампирнинг аччиғи чиқади ва оғир “уф” тортади. Бу уйда ҳеч кимнинг исми тўлиқ айтилмайди. Санта, Ражда, Мамам, Кампиршо, Баюба, Бабул каби номлар билан чақириверади. Лекин ҳар гал набиралари “Баба” деб чақирганда, беихтиёр лаблари титраб, аччиқланаверади.

- Эна дегил, уйингга буғдой тўлгур ёки ача де, катта ойи де, бабанг нимаси, нима, мен сенга кучукманми? ... Худо кўрсатмасин, вақти келиб, омонатимни топширгундай бўлсам, буларнинг биттаси “вой мамул”, биттаси “вой бабул”, деб овоз чиқаришармикан?”.

Айрим шахслар нутқида, аввал ҳам таъкидланганидек, расмий, сийқа (шаблон) сўз ва ибораларнинг ноўрин ишлатилиши (маълумки, керак бўлса, биз биламизки); шунингдек, “бекорчи (паразит) сўзлар” деб аталувчи (яъни, масалан, хўш, так каби) луғавий бирликларни меъёрдан ортиқ қўллаш нутқнинг нотабиий ва ишончсиз чиқишига олиб келади [66.123].

Айрим кишиларнинг ўз нутқини назорат қилмаслиги, “ёқимли” сўз кидиришда эринчоқлик қилиши, русча атамаларнинг ўзбекча шаклларини билмаслиги, баъзи ҳолларда ўзининг русчани ҳам билишлигини намоён этишга интилиши натижасида варваризмлар нутққа кириб келади: Эрталаб звонить қилдим, библиотекага бордим, астановкада турдим каби. Нутқимизда мана шундай сўзларнинг учраб туриши жуда ачинарлидир. Улардан кутилишнинг бирдан – бир йўли она тилини ҳар томондан чуқур ўрганиш, унга ҳурмат билан қараш, сўз қўллашга алоҳида эътибор бериш, бадиий асарларни кўп ўқиш, ўқиганда нотаниш сўзлар маъносига диққат қилиш кабилар[42.27].

Н.Маҳмудов тилшуносликда варваризмлар деб юритиладиган бошқа тил birlikларини ўзбек тилига ўзлашган, адабий тилнинг лексик меъёрлари сирасидан ўрин олган чет сўзлардан фарқлаш кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича ҳар қандай чет сўз эмас, балки фақат варваризмлар нутқнинг софлигини бузадиган унсурлар сифатида қаралади. Рус, инглиз, араб, форс ва бошқа тиллардаги сўз ва бирикмаларни ўзбекча нутқда ишлатиш, аввало, нутқнинг софлигини тамоман йўқотади, қолаверса, бундай қилиш ўзбек тилигагина эмас, балки айни пайтда мазкур хорижий тилларга ҳам ҳурматсизликни кўрсатади. Баъзи кишилар нутқларида варваризмларни қўлларкан, бу билан ўзларининг бошқа тилларни ҳам билишларини, маданий савиясининг юқорилигини кўрсатгандек бўлади. Аслида эса бу маданий – маърифий савиянинг пастлиги, тафаккурнинг торлиги, маънавиятнинг қашшоқлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларга нописандликнинг илдиз отганлигини намоён этувчи ҳолатдир. Масалан, звонок чалинди (кўнғирок чалинди), переривга чиқдик (танаффусга чиқдик), звонит қилди (кўнғирок қилди), вообще (умуман), короче (қисқаси), так (хўш) каби бир қанча сўз ва бирикмаларнинг ўзбекча нутқда бўлиши нутқ тузувчи тил сезгисининг тубанлиги ва маънавий дунёсининг йўқсуллигини кўрсатишдан бошқа бир ишга ярамайди.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, илмий ва илмий – оммабоп матнларда мисол, далил сифатида бошқа тиллардаги манбалардан фикрнинг аниқлиги, ишончлилигини таъминлаш мақсадини кўзда тутиб айнан олинган, иқтибос қилинган хорижий тилдаги сўз, бирикма ва жумлалар варваризм деб баҳоланмайди. Бу баён қилинаётган илмий фикрнинг асослилигини, манбага ёндашувнинг холислигини кўрсатишга хизмат қиладиган мақбул усул сифатида дунёнинг аксар мамлакатларида, тилларида анъана тусини олган. Масалан, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониёв “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида фикрининг далили сифатида ҳадиси шарифларга мурожаат этар экан, олдин асл арабча матни келтиради, сўнг унинг ўзбекчасини беради: Расули акрам набийи муҳтарам саллолоҳу алайҳи васаллам афандимиз: “Хуббул – ватани минал имони – Ватанни суймак имондадур”, - демишлар... Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: “Аннажоту фиссиддиқи – нажот ростликдадур”, - демишлар (28, 29 - бетлар).

Ёки, айтилиши, адабиётшуносликка оид тадқиқотларда бошқа тилдаги манбалар ўрганилганда, мисол ўша тилда, масалан, форс тилида келтирилади ва унинг таржимаси берилади. Бу, албатта, илмнинг мақсади ва тадқиқот табиатининг тақозосидирки, бундай ҳолатларда ҳам нутқнинг софлик сифати асло зарар кўрмайди. Мана Алишер Навоийнинг форсий асарлари тадқиқидан парча: ...Ёзнинг бошланиши ажойиб сўз ўйини ва жонлантириш санъати билан тасвирланган:

Фиканд оташи айёми сайф дар олам,

Чу барқи оҳ зи анфоси ошиқи шайдо

(Ёзнинг оловини оламга туширди. Бу худди шайдо ошиқ нафасидан чақилган чакмоқдай эди). Бу байтда “сайд” икки маъноли: 1) ёз ва 2) қилич. Шу боис қилич ва олов, қилич, олов ва чакмоқ қиёслаб олиниб, чиройли тасвир ҳосил қилинган. Яъни ёзнинг оташи қилич дами – чакмоқдай тушди. Бу иссиқлик шиддати ошиқ оҳининг шиддатини эслатади.

Тилшуносликка оид илмий ишларда ҳам бундай ҳолат кузатилади: от оборот (**субстантивный оборот**) деб рус тилида икки ҳодиса кўрсатилади: а) ажратилган мослашмайдиган сифатловчи, б) ажратилган изоҳловчи.

Ажратилган мослашмайдиган сифатловчи якка сўз шакл билан ҳам, бирикма билан ифодаланиши мумкин: **Эту кашу, без мяса и моркови, как можно называть пловом?! Ўзбек тилида сифатловчининг бундай тури йўқ [38.88].**

М.Йўлдошев “Чўлпон сўзининг сирлари” китобида варваризмни бошқа сўзлардан ажратиш кераклиги ҳақида шундай фикрларни билдиради: Бадиий асарда қўлланган ҳар қандай ажнабий сўз ёки иборани варваризм деб қараш тўғри бўлмайди. Масалан, “Кеча ва кундуз” романида *шафе, мустаҳиқ, алалхусус, дасиса, касирул-адад, итоб* каби жуда кўплаб арабча, *ори, сарзаниш, хонақоҳ, гулбун* каби кўплаб форсча сўзлар ишлатилган, аммо уларни варваризм деб қараш мумкин эмас. Бу каби сўзлар бизнинг тилимизда айниқса, ёзма адабиётимиз тилида турли тарзда ҳар хил сабаб билан жуда эски замонлардан қўлланиб келади. Бошқача қилиб айтганда, бу арабча, форсча сўзлар умумий Шарқ маданиятига дахлдор тушунчаларнинг ифодачилари сифатида бизга бегона эмас. Тўғри улар ўзбек тилининг бугунги фаол луғатида йўқ, лекин бойлигимизнинг ўзига хос бир қисми, яъни эскирган қатлами сифатида мавжуд. Бундай лексик бирликлар эскирган сўзлар ўлароқ бадиий матнда ўзларининг бой лисоний-эстетик вазифасини бажараверади. Ажнабий сўз ўзбек тилида варваризм бўлиши учун у ўзбек тилига ёт бўлиши шарт.

Варваризмларнинг моҳияти аниқлаштирилар экан, яна бир жиҳатга ойдинлик киритиш жоизга ўхшайди. “Ўзбек тили лексикологияси”да бундай сўзларнинг асосий белгиси ҳақида қуйидагилар ёзилган: “Варваризмлар ҳам чет тил сўзлари бўлиб, уларнинг муҳим белгиларидан бири ҳали транслитерацияга усрамаганлиги, қайси тилга оид бўлса, шу тил график воситаларида берилишидир”. Бизнингча, варваризм учун унинг қайси тил график воситаларида берилишининг аҳамияти йўқ, чунки варваризм фақат

ёзма бадиий матндагина эмас, балки бундай матннинг оғзаки ўқилиши ёки ижросида ҳам варваризм бўлаверади. Бирон-бир чет тилига оид сўз ёки ибора ўзбек тилида ўша тил ҳарфлари билан ифодаланганда ҳам, ўзбекча ҳарфлар билан ифодаланганда ҳам у сўзнинг маъно-моҳияти асло ўзгармайди. Шундай экан, варваризмнинг асосий белгиси унинг ажнабий сўзлиги ва ўз тилига тамоман ётлигидир [35.90].

М.Йўлдошевнинг досишида варваризм ҳақида бошқа бир фикрни айтади. Тилнинг луғат таркибига киритилмаган, фақатгина оғзаки нутқда мавжуд бўлган бундай чет сўзларидан бадиий нутқда қаҳрамон характери, миллий мансублиги ва ички дунёси тасвирида ҳамда воқеа-ҳодисага хорижга хослик таъкидини бериш мақсадида ишлатилади. Шунингдек, воқеалар бўлиб ўтаётган ўринга ишора қилиш ёки нутқий вазият ва унда иштирок этаётганларнинг миллий мансублиги ҳақида маълумот бериш истаги билан ҳам киритилиши мумкин. Бундай бирликлар варваризм (айрим адабиётларда экзотизм) лар деб юритилади. Масалан, қуйидаги парчада татар миллатига мансуб Фатхуллин исмли амалдор нутқида келтирилган варваризмлар қаҳрамон характери тўлиқ очиб беришга хизмат қилган: - Ўху, толковий малай шул. Бундан отличний коммунист чиқа. Ул партия учун атисидан кечди. Динсиз эканини доказат этиш учун колбаса йиб кўрсатди. Буни ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Только патриот коммунистгина колбасани шундай ейиши мумкин. Браво, браво! (С.Аҳмад)

Хуллас, варваризмлар бадиий нутқда ёзувчининг маҳорати билан ўзига хос эстетик вазифани бажарадиган воситага айланади. Бадиий асардаги персонажларнинг характери, ички дунёси, маданий – маърифий савияси каби бир қатор жиҳатларни таъкидлаб ифодалашда варваризмлар алоҳида ўрин тутади. Яна, шуни таъкидлаш лозимки, варвар сўзларни қўллаш нутқ маданиятига хилоф деб қаралади.

1.2.ТИЛШУНОСЛИКДА ВУЛЬГАРИЗМГА МУНОСАБАТ

Ҳар қандай тилнинг лексик-семантик имкониятлари, биринчи навбатда, бадиий асар орқали юзага чиқади. Бадиий асар тилини ўрганиш воқеалар, ходисалар рўй берган давр тилини ҳам ўрганиш демакдир.

Кейинги пайтларда талабалар ҳамда ёшлар нутқида учраётган “дум”, “хачча”, “международный”, “локоматив”, “ништяк” каби маъноси фақат уларнинг ўзларигагина тушунарли сўзларни ижобий баҳолаб бўлмайди. Нутк тозалигига салбий таъсир кўрсатадиган тил бирликларидан бири **вульгаризмлар** ҳисобланади. Вульгаризмлардан бадиий адабиётда айрим қаҳрамонларнинг дағаллигини, маданиятсизлигини кўрсатиш учун фойдаланилади. Аммо бундай сўзлар одатий нутқда ишлатилмайди. Нутқий тозалikka риоя қилмаслик унинг таъсир кучини пасайтиради:

Ҳозирги ёшларнинг бети йўқ, - деди ўрта ёшлардаги бир киши автобусда ўтириб кетаётган ўсмирга ишора қилиб, Амакига жой берсанг, ўласанми? Ҳолбуки, шу гап “Ука, амакингизга жой берсангиз яхши бўлар эди” шаклида, илтимос оҳангида айтилса, унинг таъсир кучи ниҳоятда ортар эди[66].

Тилшуносликда вульгаризмлар деб аталувчи ҳақорат сўзларида ўта салбий муносабат, камситиш, менсимаслик, ҳақорат каби бир қатор ифода семалари жуда очик кўриниб турган бўлади. Бундай сўзлар кўпроқ номинатив маъноларига кўра эмас, айти шу коннотатив маъноларига кўра нутқда яшайди. Ҳақорат сўзлари бадиий асарларда, асосан, қаҳрамонлар нутқда ишлатилади. Лисоний таҳлил жараёнида бадиий асарга олиб кирилган вульгаризмларни кимнинг (жинси, ижтимоий табақаси, мавқеи, ёши кабилар) нутқида ишлатилаётганлигига қараб гуруҳлаш, қандай вазиятларда ва нима сабабдан қўлланилаётганлигини ҳамда уларнинг лексик-семантик таркиби, шевага хосланганлиги кабиларни аниқлаш лозим бўлади. Мисоллар: - Ҳей! Баққа туш, энағар! Момо қо-олди... Юрагинг совудими, ҳароми? Энди яйлов кенг бўлди сенга! Боғда жавлон урасан, силкасал! (Ш.Холмирзаев) – Аҳмоқ! – деди кампир. – Қаёқларда санқиб юргандинг? (С.Аҳмад) – Нима, нима?

Менга тил тегизди? Нималар дейди хотинталоқ? (Чўлпон) – Ўббо, баччаталоқ... (А.Қодирий) Ғанимат ғарники, дейдилар, - деди Ботир фирқа (Т.Мурод) [25].

Сўзлашув нуткида овоз чиқармай кўз, лаб ҳаракати билан ифодаламак учун *жилмаймоқ, кулимсирамоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, иишаймоқ, иршаймоқ, илжаймоқ* сўзлари қўлланилади. *Жилмаймоқ* ва *илжаймоқ* сўзлари услубий жиҳатдан нейтрал ҳисобланади. *Иржаймоқ, тиржаймоқ, иишаймоқ, иршаймоқ* сўзларида салбий маъно кучли бу салбий оттенка *иржаймоқ* сўзига нисбатан *тиржаймоқ* сўзида, *тиржаймоқ* сўзига нисбатан *ишшаймоқ* сўзида кучлироқдир: Фосих афанди бўлса... қора дулдул устида куйдирган калладай иржайиб ўтирар эди (М.Исмоилий). Мурзин ҳайрон қолиб “у эмаску!” деган эди. Комендант: “Адашманг, айнан ўзи”, - деди, сурбетларча *ишшайиб* (Шухрат). – Ер ютгурлар, нима қилиб иршайиб турибсизлар, ҳув, кўзларинг тешилсин! – деди хотинлардан бири (М.Осим).

Ўзбек сўзлашув нутқи услубида *найнов, бойтеват, мечкай, сўтак, қизталоқ, сурбет, баччағар, муттаҳам, хомкалла, ўлимтик, иблис, тирранча, илон, жувонмарг, оқнадар, гўрсўтха, эсипас, лаънати, тирранча, симён, ҳумпар, зумраша, пўк, анқов, лаванг, шайтон, гадойвачча, аммамнинг бузоғи, сўхтаси совуқ, совуқ, гзрингда куйгур, жонинг чиққур, бети қурсин, қуриб кетгур, ер ютгур, вўлинг сингур* каби вульгар сўз ва иборалар кўп қўлланилади.

Вульгаризмлар аслида нутқни нурсизлантирувчи, тингловчи ёки ўқувчида салбий муносабат уйғотувчи бирликлар саналса – да, оғзаки ва ёзма нутқда уларнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Сўзлашув нутқи бўйича кузатишлар олиб борган профессор Б.Ўринбоев мазкур услубга хосланган вульгаризмларни маъно оттенкаси ва қўлланиш доирасига кўра 3 гуруҳга бўлади:

а) кишиларнинг характери ва миждозидаги ожизликни ифодаловчи вульгаризмлар: *дум, текинхўр, айёр, бузуқ, хомкалла, хумпар, қўшмачи, ноинсоф, хотинфуруш, мағзава, юзсиз, эсипас, ланж, латта, извогар,*

мажмагил одам, мазаси йўқ, хотинбоз кабилар. Бундай сўз ва ибораларда сўзловчининг тингловчига салбий муносабати, ички ҳаяжони, нафрати, жирканиши кучли ифодасини топган. Масалан: Шерназарбой *бузук* одам чиқди, у кўрнамак. Мени сиздан ажратмоқчи у *аблах* (Ж.Шарипов). Бу ишга сен аралашма. Кампир *мазаси йўқ аёл* (С.Аҳмад).

Келтирилган мисолларимиздаги *бузук* сўзи ахлокий носозлик, разил, чақимчи маъносида; *мазаси йўқ* мбораси ярамас, феъл-атвори бўлмағур маъносидадир;

Б) кишининг ташқи камчилигини кўрсатувчи вульгаризмлар: *мечкай, кўппак, маймоқ, илонбош, симёгоч, қовоқбош, айронбош, гумбаз, бордондай, қўнғиз, мўйлов, кал, дўрдоқ, қийшиқ, қўтир, патаксоқол, пахмоқ, сурпақулоқ, шикит, дароз, акилдоқ, пайтава қулоқ, сўлоқмон, қути учди, бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда* кабилар. Бундай вульгар сўз ва иборалар бирор предмет номига нисбат бериш, яқинлаштириш, ўхшатиш натижасида пайдо бўлади.

Масалан: Рўзғорни қўлингга олиб, *бордондай* семириб ўтирасанми? (Ойбек). Шуни ҳам тушунмай ўтирасанми, *қовоқбош* (С.Айний). Вой. Манови ҳалиги ўзимизнинг *қовоқбош* Файзуллахоним-ку! (К.Яшин).

Мисоллардаги *бордондай* сўзлари бесўнақай, семиз, йўғон одам маъносида: *қовоқбош* сўзлари мияси йўқ, ақлсиз, аҳмоқ маъносидадир;

в) сўкиш, койиш маъносини ифодаловчи вульгаризмлар: *баччағар, ярамас, аблах, хумпар, номард, бадбахт, нонкўр, гумроҳ, қисталоқ, аҳмоқ, синталоқ, хотин-талоқ, галварс, касофат, нахс, кўппак, лаънати, тентак, иблис, шаллақи. Итвачча, жувонимарг, искирт, беномус, ифлос, ҳароми, бедаво, гўрсўхта, вайсақи; ачимай ўлгур, эси оғмоқ (телбаланмоқ), оғзи катта (кибр-ҳавола), назари илмайди (менсимаслик)* кабилар.

Бундай вульгар сўз ва ибораларга суҳбатдошларнинг ички ҳаяжони, руҳий ҳолати, ғазаби кучли ифодаланган бўлади. Масалан: Маст, *аблах* Тантибойваччага яна қаттиқроқ гапирмаганига афсусланди (Ойбек). Отабек ўзини нечоғлик босиб ушлаб келган бўлса ҳам, лекин ичидан қайнаб тошиб кетган ҳиссиётини босолмади — Ҳомидни “*виждонсиз тўнғиз*” деди-да,

ихтиёрсиз ўрнидан туриб кетди (А.Қодирий). – Ахир, пушаймон қилибти-да, гўрсўхта, деди Йўлчи ҳайратда ёқасини ушлаб (Ойбек). Меҳмоннинг кизарганини пайкаган кекса бой, ўз хотинининг катта оғиз ва *бетмизлигига* аччиқланиб, юзини тескари бурди (Ойбек).

Мисолларимиздаги *аблаҳ* сўзи ўтакетган қабиҳ, ярамас, разил маъносида; *виждонсиз* сўзи диёнатини ютган, инсофсиз маъносида; *катта оғиз* ибораси кибр-ҳаволи маъносида; *гурсўхта* сўзи гўрингда куйгур маъносидадир.

Бошқа бир гуруҳ олимлар вульгаризмларга ғайриахлоқий сўзлар сифатида қараб, қуйидаги фикрларни билдирадилар: “Ғайриахлоқий сўзлар ўз характериға кўра сўқиш, ҳақорат ва қарғиш сўзларига бўлинади”. Шунга биноан биз тадқиқот ишимизда вульгаризмларга ғайриахлоқий ёндошган ҳолда бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикриға қўшилган тарзда қарғиш сўзларини ҳам вульгаризм сўзлар сифатида олдик.

Сўқиш, ҳақорат сўзларни семантик-услубий жиҳатдан қуйидаги гуруҳларға ажратиш мумкин:

а) ахлоқ маданияти (ҳароми, лаънати, муттаҳам);

б) ҳайвон номлари (ит, эшак, чўчка);

в) ҳашарот номлари (чивин, чаён, ғунда);

г) қуш номлари (бойўғли, қарға, читтак) ва ҳоказо билан боғлиқ бўлган “ғазаб-нафрат ифодаловчи сўзлар”. Мисол учун Ойбекнинг “Қуёш қораймас” романида Тўғонбек салбий образлардан бири ҳисобланганлиги учун муаллиф персонаж характеридаги одоб-ахлоқ меъёрларига зид жиҳатларини тасвирлашда баён усулидан қочади ва персонажни сўзлатиш орқали ўз мақсадига эришади. Шу тариқа образнинг ўзини танитиши кучая боради. Яъни “шахслар ўзларига муносиб тил ила сўзлаб, ўзларининг кимликларини равшанроқ англата оладилар”.

Ана шу вазифани бажаришда вульгаризмлар муҳим воситадир. Қуйидаги парчада Тўғонбекнинг ўз атрофидаги кишиларни менсимаслиги, одам ўрнида кўрмаслиги акс этган.

Тўғонбек илжайиб: “Совғам ўзи юриб келади!” – деди –да, ташқари чиқди. Отхона олдидаги хужра эшигида тўхтади.

- Ҳа, кайда сен, чўлоқ қарға? – қичқирди у Нурбобога (Ойбек)

Асарда воқеалар тобора кескин тус олиб, персонажлар ўртасида зиддиятлар кучая боргани сайин уларнинг нуткида вульгаризмлар шунга мос тарзда кўп қўлланилади. Буни қуйида – парча мисолида ҳам кўриш мумкин:

- Бойқаро Мирзонинг йигитимусен, ё шахзодалардан бирининг? – сўради Тўғонбек тўнглик билан.

- Навоийнинг йигитимен.

- Не дейди ўзи, - кичик кўзларини йигитга қадади Тўғонбек. Кейин айёрча кулиб давом этди: - Юр, яхши йигит, Марвга борамиз. Шахзода Абдулмуҳсин Мирзога буйсуниб, қизиқ ишлар қиламиз. Бахтинг бўлса, улуг киши бўлиб кетарсен.

- Сен ўзинг нима бўлдинг? Подшоҳнинг буйруғидан кўрқиб, саргардонга ўхшайсен. Хўш, Музаффар Мирзо қўллаб – қувватладими? Марвга бориб, яқинда босилган исённи яна кўтармоқчимисен? Ах, бадбахт! – жирканиб деди Арслонқул.

Ғазабдан Тўғонбекнинг кичик кўзи ёниб кетди. Арслонқул кумуш даста қамчи титради.

- Малъун, сен бу саҳрода йиртқичларга ем бўлмоқчимисен! – деди титраган овоз билан Тўғонбек.

-Кўрамиз! – баҳодирона қаддини ростлаб, дадил гапирди Арслонқул. – Қилган зулминг учун мен ҳозир ўч оламан!

- Қандоғ зулм, гапир, ит ўғли! Қамчини кўтарди Тўғонбек. – Ким билан сўзлашасан? Ҳаддингни бил, қулбачча (Н. 433-б)!

Асарда суҳбат шу тарзда давом этади. Тўғонбекнинг ахлоқсизлиги, бераҳмлиги вульгар сўзлар воситасида ойдинлаша боради.

Вульгаризмлар ғазаб-нафратни ифодалаш восита сифатида “Улуг йўл” романида ҳам кўп қўлланилган: Чолнинг қавоғи осилиб кетган эди:

- Бас, бас, ҳароми! Тилингни тий, алжирама! – деди қаҳрли бўғиқ товуш билан дуқчи, Эшонхонни жеркиб. – Зумрад асил қиз (У.й 14 б).

Романдаги салбий образлардан бири Эшонхон билан боғлиқ ўринларда вульгаризмлар кўп учрайди. Мисол келтирамиз:

- А? – деди Саидахмадхон йирик, тўнкадай оғир, гўштдор жуссасини бир кўзгатиб. – нима деб вилдираяпсан, баччағар, тушунтириб гапир (У.й 15 б) ёки Саидахмад қикирлаб кулди, кейин ҳазилнамо пўписа қилди:

- Аввало, муллажиринг керак, бошпана бир ватан керак. Кейин қайлик орзу қилсанг бўлади. Бўйинг бир қарич, бунинг устига абжағинг чикқан чўтир бўлсанг, сен таъвияга ким боқади, тентак (У.й. 18 б)! [13]

Л.Жалоловнинг айтишича бадиий асарда тилнинг асосий хусусиятларидан бири унда тасвирлаш воситасининг эстетик вазифа бажарилишидир. Асосан персонажлар нутқида, қисман муаллиф нутқида бир неча ғоявий-бадиий мақсадларда тилнинг махсус ресурслари: неологизмлар, диалектизмлар, варваризм, вульгаризм қўлланилади. Чунки давр руҳини акс эттиришда қаҳрамонлар тилини индивидуаллаштиришда, қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини ифодалашда, унинг касб-кори ва маънавий даражасини кўрсатишда бундай сўзлар қўл келади, асар тилини бойитиб, бадиий тилнинг образли ва эмоционал бўлишига хизмат қилади. Ёзувчи асардаги айрим қаҳрамонларнинг маданиятсиз, бемехр ва дағаллигини, шафқатсизлигини бўрттириб кўрсатиш учун уларнинг нутқида вульгаризмлардан фойдаланади: “Итдан бўлган қурбонликка ярамас, болаларингдан умидингни узган бўлсанг, итваччаларини бу уйда қолдир! (356-б)

Паразит сўзлар деб аталувчи луғавий бирликлар ҳам тил маданияти учун ётдир. Улар, асосан, сўзлашув нутқида кўп ишлатиб, нотиқнинг ўз нутқини кузатиб бормаслиги, эътиборсизлиги натижасида пайдо бўлади ва бора-бора одатга айланиб қолади. А.Қодирий “Меҳробдан чаён” романидабухоролик Шарифбой нутқида “паъланат” (“падар лаънат”)ни паразит сўз сифатида ишлатиб, унинг нутқини индикидуаллаштирган. Шарифбой ҳар гапида бу сўзни қўшиб гапиради:

“Шарифбой ёстикдан бурилиб, ёнидаги учинчи йигитга қаради:

- Паъланат, қачон келган экан?” [42.65]

Хуллас, умумтилда дағал, ҳақорат, қарғиш сўз ва иборалар ҳам мавжудлигини кўриб чиқдик. Аммо тилшуносликда вульгаризмлар номи билан юритиладиган бундай сўз ва иборалар жамиятда барқарорлашган маънавий – ахлоқий қоидаларга зид бўлгани учун уларни нутққа киритиш нутқнинг софлигини тамоман издан чиқариши билан бир қаторда жамият аъзоларининг жамиятига ҳам дахл қилади. Нутқда вульгар сўзларни ишлатиш нутқ тузувчининг тарбияланганлик даражасининг тубанлигини кўрсатади. Зотан, тарбияланганликнинг моҳияти шахснинг жамиятдаги мавжуд ижтимоий – иқтисодий, маданий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий тартиботларга сўзсиз ва мунтазам ҳурмат билан қараши ва демакки, қатъий амал қилишидан иборатдир. Минг йиллик миллик анъаларимизда ҳам, маънавий-маърифий тарбия давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган бугунги кунимизда ҳам сўқиниб гапириш инсонга беҳурматлик, нописандлик, ҳатто безорилик сифатида баҳоланади.

II. БОБ. БАДИЙ МАТНДА ВАРВАРИЗМ ВА ВУЛЬГАРИЗМЛАР (ДАҒАЛ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР) ФУНКЦИОНАЛ ҚЎЛЛАНИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бадий асар матнида ўзга тилларга оид луғавий бирликларнинг қўлланиши турли кўрнишга эга. Бу бирликларнинг кўпчилиги тўлиқ ўзлашмалар, яъни бир тилдан иккинчига тўлиқ ўтиб, унинг луғат таркибидан муҳим жой олган бўлади. Сўзловчи она тили тизимида муҳимлашган ўзлашмаларнинг тарихан бошқа тилга хос бўлганлигини вақт ўтиши билан сезмай ҳам қолади. Шунингдек, бадий асарларда ўзга тилларга мурожаат қилишнинг яна бир кўриниши анъанага айланган. Ижодкорлар айрим ҳолларда шундай сўзлар, иборалар, ҳатто тўлиқ нутқий синтактик қурилмаларни қўллайдиларки, уларнинг бадий матнда фаоллашув шартлари ва мазмун ифодалаш табиати бутунлай бошқачадир. Ўзга тиллардан олинаётган бундай киритмалар луғавий ўзлашма сўзлардан фарқли ҳолда она тили тизимида муҳим ўрин олмаган, унинг луғат ва грамматик қобиклариги бошқа бирликлар, амалдаги қонуниятлар билан боғланмасдан маълум матн парчасида қўлланилади. Мулоқот вазиятининг маълум парчаларида учраётган бундай кўринишдаги бирликларнинг бадий матнда фаоллашуви аниқ мақсад учун хизмат қилади ва лингвистик вазифаларни ўтайди.

Мисол учун Ойбекнинг “Қуёш қораймас” романида бошқа тилларга оид сўзлар қўлланилади. Романда ўзбек йигитларининг иккинчи жаҳон урушида қатнашганлигини тасвирловчи воқеалар ҳикоя қилинади. Ўзбек ва рус кишиларнинг ўзаро муносабати, мулоқотини кўрсатиш жараёнида русча сўзлар кўп қўлланган. Мисоллар келтирамиз: Ҳайрон бўлиб сувдонга тикилди. У ковак эди-ўқ тешиб ўтибди. Уни жаҳл билан улоқтирди-да, қўшнисидан – серсоқол русдан сув тилади.

- Чего, жарко? – деб сўради рус жангчиси сувдонини узатиб. Бектемир бошини лиқиллатиб:

- Давай, давай, немножка пьюм! – деди (Қ.қ. 20-б)

Ёки

Уй бекаси катта лик чойнакни ва стаканларни столга қуйди-да, нотинчлангандай ташқарига қаради.

- Маржа, ўтир, нон ол! – деди Али тажанг астойдил. Аскар полвон қайноқ стаканни лабига аста тутаркан:

- Эр бор, Фронда? Ҳа, скучна-а-деди (31-б).

Юқорида келтирилган парчаларда ўзбек ва рус тилларига оид сўзларнинг пала-партиш тарзда бузиб қўлланиши персонажлар нутқининг табиий, ишонарли чиқишини таъминлаган. Лекин романда қайд этиб ўтилган бу фикрларга зид ҳолатлар ҳам учрайди. Қуйидаги парчага диққат қилайлик:

Титраган лаблари билан: - Қизчамни йўқотдим. Ҳалок бўлди,- деди аёл йиғлаб.

- Как? Сапсем прапал бил? – сўради Али тажанг ҳаяжонланиб.

- Қоронғида – тунги тўполонда йўқотдим (36-б)

Эътибор берилса суҳбат рус тилини унчалик яхши билмайдиган ўзбек йигити ва ўзбек тилини умуман билмайдиган рус аёли ўртасида бўлиб ўтмоқда. Парчадан маълум бўлишича, рус аёли соф ўзбек тилида беҳато тарзда, ўзбек йигити эса рус тилида, қоида-қонунларга амал қилмай сўзламоқда. Натижада мантикий номувофиқлик юзага келган. Бу каби ҳолатлар бошқа тилларга оид бирликларни қўллашдаги эътиборсизлик бадиий асар тилига салбий таъсир қилишини, услубий ғализликлар келиб чиқишини кўрсатади [9.59]. Рус тилини унчалик яхши билмайдиган ўзбек йигити ва ўзбек тилини умуман билмайдиган рус аёли ўртасида яна бир суҳбатни мисол тариқасида беришимиз мумкин:

- Мама плоха, - дедим билганимча ўрисча гапириб. – Мама умер будит.

- Ничего! – Хотин маъюс жилмайди. – Я врач, помогу. Принеси пить.

Хотиннинг кейинги гапини тушунмадим.

Сув, сув бар, кизика? – деди хотин аччиқланиб. (С.А. Икки.. 102)

Муаллиф нутқидаги варваризмлар, асосан, қаҳрамон ёки воқеа-ҳодисани характерлаш, варваризмлар ифодалаган тушунчаларнинг келиб

чиқиш ҳудудига ҳам ишора қилиш учун ишлатилган ва шу асосда бадиий-эстетик қиммат касб этган. Масалан: Шаҳардаги катта банкалардан бирида “*учет қўмитаси*” нинг аъзоси; ҳафтада ва бир мажлис ўтказди... . У вақтда шаҳардаги ҳоким ва приступ тўралар Акбарали мингбошига “**час**” (“честь” демоқчи) берадиган бўлади. Мана шу ваҳима ва ташвишлар билан лиқ тўлиб Тошкентга томон қанот қоққан депешалар (расмий телеграммалар) воқеанинг учинчи кунида Тошкентдан Ўлка ҳарбий судининг сайёр хайъатини учуриб келди.

Қаҳрамонлар нутқидаги варваризмлар уларнинг характери, табиати, ўша давр воқеалигидан хабардорлигини очиш мақсадида қўлланган. Масалан, спекуляция варваризми жадидча қарашдаги татар Ҳасанов нутқида қуйидагича ишлатилган: Бу йўғон саллали, бўш каллали ҳайвонлар, бухорои шарифни спекуляция қилиб, ислом миллатини заҳарловчи микроблар бизни шу ҳолга келтирдилар... Ёки рабоби сўзи жадидчи нутқида: “Бой бўл! Завол сол! Фабрика оч! Беш минглаб, ўн минглаб рабоби ишлат! Миллий саноатни ривожлантир” дейди. Акбарали мингбоши нутқидаги вайна (“уруш”) варваризми унинг гўёки дунёдан хабардордай мақтанчоқлигини таъкидлашга хизмат қилган: Оқподшо “вайна”да қийналиб қолса, қишлоқнинг ҳаммасини йиғиб жўнатаман!

Қаҳрамонлар нутқида чет тилига оид сўз шакллари ва ибораларнинг қўлланиши, энг аввало, уларнинг миллий мансублигини таъкидлашга, қолаверса, характерининг муайян қирраларини бўрттиришга ёрдам беради. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: Бирорта сарти қирғиз мергани отиб қўймасин деб кўрқаман. Хотя сартлар уни яхши кўришади. Ну, их!.. Хоним кўзи билан ёнидан жой сартлар уни яхши кўришади. **Ну, их!...** Хоним кўзи билан ёнидан жой кўрсатди:

- Пожалоуста...

Асосан бадиий асарларда чет тилига оид сўзларни, айтайлик, муаллиф миллий руҳни бермоқчи, асар қаҳрамонининг қаерлик эканлигига ишора қилмоқчи ёки маданиятсизлигини бадиий асар орқали тингловчига

етказмоқчи бўлса, ана шундай пайтларда нутқимизнинг тоза бўлишига халақит бераётган лингвистик элементлар, яъни, варваризмларга мурожаат қилиши зарур.

Асар қаҳрамонининг қаерлик еканлигини таъкидлаш мақсадида:

Оғизчаси ангишвонадек. Лаблари худди гилос тишлаб турганга ўхшайди. Одамнинг дилини қитиқлайдиган майингина, сирлигина табассум ҳада этди.

- Гуд монинг, мистер! – деди.

Бир вақтлар Сталин лагерларида саргардон бўлиб юрганимда бир инглиз шпиони ҳам бизнинг баракда ётарди. Шу билан гаплашаб, тилини бинойидек ўрганиб олгандим. Ўша эсимга тушиб, жавоб қилдим:

- Хэлло! Окагинанг айлансин, хэлло! (Ў.Х. “Ғаройиб саёҳат” 3-4 б)

Ёки:

Адашим гапимни таржима қилди. Хонимча табассум билан эшитди. Хаёлимга ғалати ўй келди. Менимча, бу онасининг қорнидан туғилгандаям “инга-инга” деб йиғлаган эмас, илжайган бўлиши керак.

- Но проблем! – деди бош ирғаб. Кейин яна анча гаплар айтди.

- Проблема йўқ, - деди Саидбой таржима қилиб. – Жаноб хоҳласалар Нью-Йоркдаги “Бухоро” ресторанига кириб, “халта палов” ейишлари мумкин. Биз чикен, бифштекс, янги сўйилган чўчка гўшtidан пиширилган хот-дот билан сийлашга тайёрмиз. Афсуски, жаноб айтган пиёзнинг пўсти бизда йўқ.... (Ў.Х. “Ғаройиб саёҳат” 5-б)

Асар қаҳрамонининг маданиятсизлигини, ахлоқсизлиги, рус ва ўзбек сўзларини аралаштириб ифода этиши:

Менинг ҳам тўртта болам бор... Нима? “Унақага ўхшамайди-ку”, дейсизми? Раҳмат, комплимент учун! Ҳамма шунақа дейди. Мен мамамга ўхшайман. Мамам олтмиш ёшидаям аппетитний эди. Как куколка! Ҳар куни сочини причёска қилдирарди. Альчибальтга! Альчибальтни танийсизми? Неужели? Первоклассний мастер-ку! Мужской салонига бормаганмисиз? Впрочем, майли... Кечирасиз, оловингиз борми?... Йўқ-йўқ, мен “Мўрэ”

чекаман... Сенкю! Зажигалкангизга гап йўқ! Точно импортний! (С.А.“Муштипар” 682 бет).

Нет равных! Бир йилча бўлди. Россияга кетганча дараги йўқ. Ўша ердаги братанлардан суриштираман, биз не в курсе дело, дейди...

Шавкатчик ўзимда. Икки ёшга чиқди. Шустрий. Ходячая бомба. Между нами бир гап айтайми? Уйга нотаниш “дядя”лар келса, ҳалитдан мени ревновать қилади, паразит! (С.А.“Муштипар” 683 бет).

Короче, ҳокимиятдаги ўша пацан “Сизга уй йўқ, ҳамма квартиралар приватизация қилиб бўлинган, қаёққа борсангиз, “катта кўча”, деди. Шуни бир фельетон қилинг! Беспомощный мать-одиночкани унижат қилиш қанақа бўлишини бир, кўрсатиб қўйинг!” (С.А.“Муштипар” 684 бет).

Қора хотин ҳовли ичкарасига пилдираб кириб кетди.

- Ўв, маълим! – Чол дадамга қўлини пахса қилди, - тушмайсанми? Нима, сена **асобий** таклиф керакми?!

Дадам жилмайиб, мени кучоғидан бўшатди. Ерга сакраб тушди.

- Кел, бачам! – деди пастдан қўлини чўзиб.

- Ўзим... – арава ёндорига осилиб ерга тушдим.

Дадам аравага қайтиб чиқиб, чамадонни олиб тушди. (С.А. Икки эшик ораси. 48)

Ёки:

Итак, тўртта болам бор. Маратик – Нукусда. Интерда. Ёши... минуточку... **Ёши... минуточку ёши по моему...** ўн тўртда. Шу йил ўн тўртга киради. Папасига ўхшаган красавчик, Маратик! Смуглийлиги, кўзларининг разреза... (С.А.“Муштипар” 682 бет).

2.1.ВУЛЬГАРИЗМНИНГ БАДИЙ МАТНДА ҚАҲРАМОНЛАР НУТҚИДА ДИАЛОГИК ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Сўзлашув нутқни характерлашда кўзга ташланадиган икки томон мавжуддир, деб таъкидлайди Б.Ўринбоев. Унинг фикрича, булардан бир диалог бўлса, иккинчиси монологдир. Табиийки, улар ўзига хос фарқли хусиятларга эга. Диалог асли юнонча dialogos (гаплашиш, суҳбатлашиш) сўзидан олинган бўлиб, “шахслараро суҳбат ва фикр алмашув” деган маънони ифодалайди. Диалог оғзаки нутқнинг нутқ жараёнида бир ёки бир неча киши иштирок этган нутқий алоқанинг муҳим шаклидир [10]. Дарҳақиқат, кишилар ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида – оилада, ишлаб чиқариш жараёнида, жамоат жойларида, кўча-куйда фикр алмашувнинг муҳим шакли бўлмиш диалогдан фойдаланади.

Шу нутқий алоқанинг муҳим шакли бўлган диалог тилшунослар томонидан икки нуқтаи назардан ўрганилади. Биринчидан, лингвистик жиҳатдан у нутқнинг асосий шакли сифатида лексик, морфологик, семантик, тузилиш ва услубий томондан ўрганилади. Иккинчидан, унинг умумфилологик жиҳатдан келиб чиқиб тадқиқ этилади.

Диалог нутқнинг ўзига хос характерли нутқнинг қуйидагилар:

1. Нутқда икки ёки ундан ортиқ кишининг иштироки.
2. Нутқ суръатининг нисбатан тез бўлиши.
3. Фикрни тез англаб жавоб қайтариш.
4. Нутқ вазияти.
5. Фикрнинг воқеликка боғлиқлиги, сўзловчининг ва суҳбатдошнинг фикрга муносабати.

Диалогик нутқда сўзловчи ва суҳбатдош ўзаро фикр алмашув жараёнида айрим сўзлар, сўз бирикмалари, сўз- гаплар ҳамда варваризм ва вульгаризмлардан фойдаланиш табиийдир. Санаб ўтилган бирликлар фикрнинг лўнда, образли, таъсирчан бўлиши учун хизмат қилади.

Ўзбек тилида вульгаризмларни ифодалаш мақсадида - ча аффиксидан кенг фойдаланиб келинаётганлиги тадқиқотимизда ўзининг аниқ тасдиғини топди.

-ча аффикси. Мазкур аффикс жумласига қуйидагилар киришини алоҳида таъкидлаб ўтамыз:

1)беписандлик, менсимаслик каби маъно оттенкалари:

- Сизнинг отингиз нима, йигитча?

- Оти Умид, аяжон.

- Ўзларидан сўраяпман.

- Умид(Мирмуҳсин. Умид 138)

2)камситиш, кесатиш, ерга уриш сингари вульгар маъноларни:

- Сен ярамас, болани нега урдинг?!

- Нега дадамларнинг орденларини олиб юрибди?

- Нима ишинг бор!

- Ишим бор! Уни кичкина болалар ўйнаб юриши мумкин эмас!

Ҳе, матоҳинг бошингда қолсин, шум етимча!

Адангга буюрмаган орден сенга буюрармиди?! (Мирмуҳсин. Умид.40)

С.Ғойибов ўзбек тили лексикасининг эмоционал-экспрессив бўёқдорлик жиҳатини услубий томондан субъектив-эмоционал муносабатини ифодалашига кўра, икки гуруҳга, яъни ижобий ва салбий муносабат англатувчи лексикага ажратган.

Муаллиф уларнинг баъзи модал маънолари, масалан, нафратланиш, ҳақорат, менсимаслик, салбий каби маъноларини билдиради. Унинг таъкидлашича, эмоционал-экспрессив бўёқли сўзлар метафорик йўл билан ҳам модал маънолар ифодалайди.

Шундай қилиб, диалогларда вульгаризмларни ифодалашда қуйидаги сўз туркумларидан фойдаланади.

От сўз туркумига оид сўзлар:

а) таъкид-ғазаб:

- У гадой эмасми, Сергей ака?

- Бу иблисларнинг иблиси Бўронбек!
- Вой ўлмасам, чинданми?
- Чиндан, Ёзозхон. Бу халқимизнинг нафратига йўлиққан чаён!

(Ҳ.Ғ.Асарлар. 572.)

б) ғазаб-тахдид, ҳақорат, дуқ-пўписа каби маъно хусусиятлари:

- Ўт қўйиб юбораман!
- Майли.
- Ҳали даданг келганда тушарингни ўйла! Пастга тушушинг бор-ку!
- Шу ердан тамом қочиб кетаман, уйингиз ўзингизга.
- Вой башаранг кургур, газанда! (Мирмуҳсин. Умид. 37)

в) қаҳр-ғазаб, ғазаб-ҳақорат ифодаловчи маъновий қирралар:

- Нимага ясаниб олдинг, эрсираб қолингми, жувонмарг?!
- Бу нима деганингиз ойижон? Нега қарғайсиз? Менда гуноҳ нима?
- Касофат! Отанг билан аканг сенинг касофатингга шундоқ кунга

қолди!

- Вой ўлмасам, бу нима деганингиз? Нега улар менинг касофатимга

қолар экан? (Ҳ.Ғ. МАНгулик. 200)

- Яхшилаб қара, балки...
- Йўқ, бу киши эмас.
- Об-бо, эшша – гэ?
- Кетдик! (Н.Н. Юзма-юз. 147)

г) истехзо-киноя, таъкид каби маъновий оттенкалар:

- Қандай сўрайман.
- Мен сўрайми бўлмаса!
- Вой, адаси.
- Ҳа, латта (Т.М. Шайтанат.126)

д) нафрат-кинояни ифодаловчи маъно оттеналари:

- Пулдан бошқа ҳазил қуриб кетган экан-да.
- Яна ўша олдимикан?

- Ким бўларди! – “Турнахон”да. Сувилонга ўхшамай ўлгур! (А.А. Аскартой. 204)

Сифат туркумига оид сўзлар. Улар воситасида куйидаги модал маънолар ифодаланади:

а) нафрат-ғазаб, қахр:

- Ҳа, шунақа деб қарғайман, қўйиб юборсанг дуо қиламан.

- Расво одам экансиз. Боринг, йўқолинг.

- Хўп, хўп. Бахмални оласанми?

- Йўқол, ифлос! (С.А. Уфқ. 532)

- Оламдан ўтган бўлсалар... сен бу ерда нима қилиб етибсан?

- Шунча гапдан кейин... мен бу чолингизни...

- Нима, нима деб валдираяпсан?

- Нега валдирар эканман. Тоғангиз... ҳимоям куни қилган яхшилиги...

- Аблаҳ! Нокас! Туғишган тоғангнинг бошига шундай мусибат тушади-ю, сен бўлсанг... диссертацияни ўйлайсан! (Ё.О. Диёнат. 105)

б) нафрат-таъкид:

- Норхўжабойнинг кўраси ҳов... тепаликдаги оқ уй бўлса керак?

- Ўша... Худди ўша бадбахт кўра!

- Мен сиздан тўртта кўйлак ортиқ йиртганман. Сўзимга киринг, борманг ўша ерга!

- Боришим шарт. (Ҳ.Ғ.Мангулик. 38)

в) ҳақорат, таҳқир:

- Сиз кими бўласиз?

- Рустамов қайси ҳовлида туради?

- У саёҳ, беватан! (Мирмуҳсин.Умид.78)

г) ғазабланиш-қарғиш:

- Тўйда ёқалашдингми?

- Бунақа одатинг йўқ эди-ки?

-Э, арзимаган нарсаси. Биттаси сўккан эди, озгина ёқалашиб олдиқ...

- Вой мен ўлай! Ким экан ўша ярамас?

- Суриштираверманг. Ҳеч нарсa бўлгани йўқ. (Мирмуҳсин. Илдиз.125)

д) таъкид-ажратиш, ҳақорат:

- Ҳашарга чиққаним сизга ёқмаса, ёқмай қўя қолсин. Эл юртга эргашдим. Мен бу ғурбатхонада **якка мохов** бўлиб қолишни хоҳламайман!

- Ў, тилингга куйдирги чиққур! Ў, бетавфиқ, шарманда! Ҳали шунақа бўлиб кетдингми, иймонсиз?! Аканг келсин, жаззангни бериб қўяди!!

е) менсимаслик, киноя-таъкид, ерга уруш:

- Ўйласанг ўйлагин-у, аммо винзоводга осила кўрма.

- Нимага?

- Кимга қарайди завод биласанми?

- Озиқ-овқат вазирлигигами?

- Эй прокурор, кўзингни оч! Шунча йил ...сақич чайнаб юрган экансан-да, а? Винзавод Асадбекнинг тасарруфиде-ку? Буни кўчадаги **мишқи** бола ҳам билади, сен билмайсанми, **қишлоқи**. (Т.М. Шайтанат. 48)

Кузатишларимиздан отлашган сифатларнинг ҳам хилма-хил модал маъноларни ифодалаб келиши мумкинлиги аён бўлди. Булар қуйидагилардан иборат:

а) ғазабланиш; таъкид-нафрат:

- Пулми?

- Ҳа, айтмадимми сенга?!

- Ҳе, энангни! **Аблаҳлар!** Менга пора беришибди – я! У фирибгар пальтолининг чўнтагига солиб қўйибди! Билмай қолибман. **Даюслар!** (Мирмуҳсин.Илдиз... 200)

б) ҳақорат- таъкид; сўкиш-қарғиш:

- Қўрқаман...

- Нимадан қўрқасан, **овчар!**

- Қўрқаман.... Сиздан қўрқаман.

- Мендан

- Сиз қўрқинчли одамсиз!

- Нима деяпсан, аҳмоқ! (Ҳ.Ў.Туш...1994)

В) камситиш , ҳақорат:

- Тез! Тезроқ қимирласаларинг-чи **рўдаполар!**

- Овозинг гур тагидан келгур, ким ўзи?

- Анварбек эмасми?

- Ўша. (С.Н.Наврўз. 149)

Феъл туркумига оид сўзлар.

М.Содиқова феълларнинг ҳарака ва ҳолат маъноларидан ташқари, экспрессив-эмоционал бўёққа эга бўлишини таъкидлайди[47.67]: Бизнинг муносабат салбий услубиётга хос умумий ҳодиса. Бирор феълнинг контекстда қўшимча маъно касб этиши семантикага оид ҳолат бўлиб, вульгар сўзларнинг юзага чиқишидир. Феъл туркумига оид сўзлар қуйидаги мазмунларни ифодалайди:

Беписанлик, менсимаслик, писанд қилмасликлардан иборат маъновий нозикларани:

-Э, кўп бижилламай жўна! Бор, йўлингдан қолма! Биз манови билан гаплашмоқчимиз.

- Гаплашмайсан.

- И- и!

- Ҳа! (Н.Н.Юзма-юз.15).

Ёки:

- Хайр, бувижон, мен кетдим. Берган тузингизга ризо бўлинг. Хизматингизни қилолмадим.

- Вой, болагинам, қаёққа борасан, ахир? Абдурахмон аканг келсин жилла бўлмаса.

- Йўқ, бувижон, кеч бўлади. Жарчи шу бугуноқ аркка хабар қилишини айтди.

- Жарчи **акиллаверади –да,** қола қол, айланай, эртага кетарсан. (К. С. Сайланма 108)

Юқорида келтирилган аффикс, от, сифат, феъл каби сўз туркумлари таркибида вульгар сўзларнинг қўлланишини, диалог матн орқали тўлароқ ва ёрқинроқ очишга ҳаракат қилдик.

2.2.ВУЛЬГАРИЗМ ВА ВАРВАРИЗМЛАРДА КОМИК ЭФФЕКТ ҲОСИЛ ҚИЛИШДА ФОЙДАЛАНИШ.

Кулги мисоли офтоб, у инсон юзидан қаҳр-ғазабни олиб ташлайди. Ўзини ҳақиқий баркамол инсон деб ҳисоблаган зот борки, уни севади ва қадрлайди, у эса киши чехрасини очиб юборади, кўнглини ёритади, унга маънавий озик беради. Кулги инсониятга қадимдан ҳамроҳ. Унинг ёши муҳаббат, меҳр-оқибат умридан кам бўлмаса керак. Ривоят қилишларича Одам Ато Момо Хавога муҳаббат изҳор қилганда улуғ Момонинг қалби севинчга тўлиб, чехрасида табассум барқ урибди. Бу инсониятнинг илк кулгиси, қиммати экан. Шунда самимий кулги муҳаббат ва севинч инъикоси бўлиб умумбашариятга хослик тусини олган дейишади. Шунинг учун ҳам кулги инсон учун ҳаётий заруратдир, унинг киши умрини узайтиришини табиблар аллақачонлар исботлашган.

Кулги фақат борлиққа, ижтимоий ҳаётга яқинлиги, воқеликнинг руҳини бера олиш, жамиятнинг томир уришини сезишга имкон бериши билангина эмас, балки халқнинг кайфияти орзу-умидлари ва имкониятларини даврнинг илғор ғояларини акс эттиришда ҳам намоён бўлади.

Кулгининг кишилар ўз муҳолифарига қарши курашда ўткир восита сифатида фойдаланадиган истехзоли, заҳархандали кўринишидан ташқари, жинмайиш, табассум, самимий ханда каби шакллари борки, улар ҳаётни севишга, уни қадрлашга чақиради. Ҳаётдаги бундай кулги адабиётда умумий ҳолатда ҳажвиёт, хусусий ҳолатда сатира ва юмор истилохлари остида ифодаланади. Холбуки, уларнинг маънолари чуқур ва кенгдир. Эстетика ва адабиёт назариясида бу истилохларга Аристотелдан бошлаб то ҳозиргача турли нуқтаи назардан қараб келиняпти. Юмор халқнинг ахлоқий кучи ва қудратининг ифодасидир. Кишиларга мулойим, муруватли юмор шунинг учун ҳам керакки, у инсоний фазилатларни кучайтиришга ёрдам беради, қувонч туйғуларини уйғотади, ишдан, турмуш ташвишларидан чарчаган одамларга дам бериб, эстетик завқ бағишлайди, бундай кайфиятга эга

инсонларда ишлаш, кураш иштиёқи кучли бўлади ва улар ҳаётимизни кўркемлаштирадилар.

Ҳақиқатдан ҳам кучли инсон қалбининг нидоси ҳисобланади. Кулги кишиларга турлича таъсир этади халқ ичида сен нима устидан ва қандай кулишингни айт. Шунга қараб сенга баҳо бериш мумкин, деган ҳақи бор, шу маънода юмори инсоннинг ички моҳиятини ёритиб берувчи ренгин нурларига қиёслаш мумкин.

Юмор қувноқ, самимий, сеҳрли табиатнинг энг қимматли тухфасидир. Кулги ғам, қувончли кунларида қувноқ йўлдоши, ҳиссий маданиятнинг нозик тарбиячисидир. Шунинг учун бадиий асарларда юмordan фойдаланиш ёзувчиларга шуҳрат келтиради. Ҳажвий йўналиш барча халқлар адабиётида жонли оқим бўлганлигини жаҳон адабиёти дурдоналари кўрсатиб турибди. Юмор улуғ санъаткорларда ҳаётга яқинлиги, ҳодисаларнинг мунрин қирраларини оча билиш ва бошқа жуда кўп имкониятларга эгаллиги билан аҳамиятлидир, шунинг учун, шубҳасиз, Навоий, Рабия, Сервантес, Гоголь каби сўз санъаткорларнинг роли нафақат ўзбек, француз, испан, рус адабиётида, балки жаҳон халқлари адабиётида ҳам катта бўлган.

А.Қодирий ўз ижодининг дастлабки йилларидаёқ биринчи бўлиб сатира ва юмор, унинг аҳамияти ҳақида қизгин мулоҳаза юритади. Сатирнинг энг муҳим жанрларни тараққий эттириш зарурлигини, ўзи ҳам шу соҳада ижод қилиш орзусида эканлигини баён қилган эди. “Кулгуликнинг бошланиш тарихи жуда эскидир. Кулгулик инсонлар билан бирга туғилган, унинг бошқа хусусиятлари, яъни камолот ва руҳий ҳолатлари ила ёндошдир. Шунингдек, биз ўзбекларнинг кулгулигимиз ҳам ўз таърифини эскидан бошлайди”. Кейинроқ у ўзининг ҳажвга бағишланган мақоласида кулгининг ўзига хос хусусияти ва унинг баъзи хиллари ҳақида чуқур мулоҳаза юритади.

Улуғ сатириклар ва юмористлар комизмнинг объектив ҳаётий илдизлари мавжудлигини қайта-қайта таъкидлайдилар, улар комикликни доимо ҳаётнинг, воқеликнинг ўзидан қидириш кераклигини ва шу билан бирга мазкур изланишлар санъатда ўз самарасини бермоғи учун воқеликни чуқур

ўрганиш ҳамда тушуниш, юксак бадий маҳоратга эга бўлиш зарурлигини яхши билганлар.

Чўлпон “Кеча ва кундуз” романида русча сўзлардан беозор бир кулги чиқариш мақсадида ҳам маҳорат билан фойдаланган. Роман қаҳрамони Мирёкуб русчани яхши билмайди, дастлаб унга “ғалати азиат” деб қараган “номер”даги хотин ўзбекчани билмайди. Мирёкуб унга “Туя кўрдингми? Йўқ!” мақолини тушунтириш мақсадида журналдаги туя суратини кўрсатгач, улар ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтади:

-Кўрдингми! Йўқ! – деб жавоб берди. Бу сўз русча “Видел? Нет!” шаклида чиққанлигидан хотин:

- Кўрганман (**видел**)! – деб жавоб берди. Хотин унинг жон куйдириб гапирган гапини англамаган эди. Мирёкуб қизиди, бармоғи билан туя суратини бир неча марта туртиб, яна ўша саволни такрорлади. Хотин бу дафъа:

- Ҳа, ҳа, кўриб турибман (**вижу**), кўриб турабман! – деб жавоб берди.

Мирёкуб тажанг бўлиб ўрнидан турди, тезгина хотиннинг ёнига ўтиб, туя суратини яна қаттиқроқ туртиб кўрсатди, бармоғини оғзига қўйди, бир оз шу кўйича жим қолгач, яна ўша саволни такрорлади.

Хотин Мирёкубнинг шу қадар зўр беришлари ила мақолнинг мазмунини англаёлмас-да, унинг нима демоқчи бўлганини англаган эди...

- Тушундим, тушундим. Раҳмат сизга! – деди.

Баъзан муаллиф қаҳрамон характери индивидуаллаштириш, унинг ўзига хос қиёфасини очиш мақсадида турли жинсдаги персонажлар нутқига мансуб тил бирликларини алмаштириб ифодалайди. Айниқса, бундай ҳолатларда муаллифга вульгар сўзлардан фойдаланиш қўл келади. Шундай персонажлар сирасига Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” пьесасидаги Ҳидоятхон; “Паранжи сирлари” асаридаги Мастура; Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясидаги Асрора, Иноят оқсоқол; Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги Раззоқ сўфи сингариларни киритиш мумкин: “Асрора жиндек

кайф қилиб қолган экан, ўйнаб келиб Холматжоннинг тўғрисида туриб қолди:

- Ўртоғимни хафа қилсанг, биласанми нима қиламан. Геройлигинга карамай, жиғингни эзиб қўяман” (С.Аҳмад)

Ёки:

“Ойнакка караганмисан, ўзинг! Бу бурун эмас, Халча холам ечиб қўйган кувушга ўхшайди. Этикни торт!”

Фикримизнинг далили сифатида асардаги персонажлардан бири Адолат нутқи орқали Асрорага берилган таърифни келтирамыз:

“Адол ҳам бўш келмади:

- Сен ўлгурни эр олмайди. Эр сенга хотин бўлиб тегади. Приказ беришни қаранглар –а! Овозинг ўлгур ҳам мўридан чиққандек гумбурлайди. Отинг ўлгур ҳам эркакча, Асрор. Башаранг ҳабашга ўхшайди қоп-қора, юришинг айиққа ўхшайди. Битта мўйлов кам. Мўйлов қўйсанг, сен билан кечкурун юрган қиз гап сўз бўлади”.

Шунингдек, Раззоқ сўфи нутқида эътибор қилайлик: “Қизим, мени мунақа шарманда қиладиган бўлсан, илоҳим бўйнинг тагингда қолсин. Муродингга етмагин...”

Ёки

“Фақат сўфи яна пичирлашга тушди:

- Мингбошининг ён-верида юрадиган бир-икки киши мени ҳоли топишиб, қиз ўлгурнинг тўғрисида эҳтиёт билан гап очиб кўришди...”

Шунингдек:

“Ховлинг бошингдан қолсин, фитна” (Чўлпон).

Кўринадики, Асрора нутқида ифода қилинаётган “жиғингни эзиб қўяман”, “этикни торт” қабилидаги нутқ бирликлари аёл-адресантга хос эмас, бу ифодаларнинг буйруқ оҳангида, дадил акс эттирилиши ҳам ўзбек хотин-қизларига хос назокат, мулойимлик, итоаткорликдан анча узоқ.

Раззоқ сўфи нутқидаги “қиз ўлгур”, “ховлинг бошингдан қолсин”, “илоҳим бўйнинг тагингда қолсин” каби вербал бирликлар, ҳатто –гин

аффиксал морфемаси эса аёллар нутқига яқин туради. Бундай усул билан ёзувчи юмористик ва сатирик сахнани вужудга келтиряпти. Маълум мақсад учун хизмат қилган бундай алмашинган нутқ бирликлари нутқий одат меъёридан ташқарида бўлгани учун персонажлар нутқига хос функционал алмашинув ҳодисаси юзага чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ш.Аҳмедова тадқиқот ишида Саид Аҳмад персонажлар тилида ҳар хил қўпол сўзларни ишлатиш орқали кулги ҳосил қилиши, улар қўпол бўлса ҳам, (баъзан қарғиш ҳисобланган сўзлар ҳам), доимо юмористик оҳангни, юмористик мувозанатни сақлаб туришини таъкидлайди. Масалан, “ўлгур” сўзини матндан айрича олиб қарасангиз, қарғиш ҳисобланиб, қўпол, ярашиқсиз эшитилади, бироқ асарда ҳамиша самимий оҳангда, юмшатилиб ўзига яқин олиш маъносиде айтилгани учун юмор ҳосил қилади, бу сўз Саид Аҳмаднинг устози А.Қаҳҳор ҳикояларида ҳам учрайди. Мисоллар: а) Дилдорга ошиқ бўлган Низомжон далада кезаркан, ўз-ўзидан довдираб қизлар звеносига, бориб қолар, қизлар бир-бирларини туртишиб, “Ана, почча келяптилар!” деб кулишларини билмас эди. Шундай довдираб келишларидан бирида Асрора йўлини тўсиб: -Сен ўлгур нима қилиб хира пашшадек баттан кетолмай қолдинг? – деди /261-б/. Бу гапнинг формуласи қуйидагича: қўпол сўз+ўхшатиш+шева=юмор.

Саид Аҳмад маҳоратига хос хусусияти Ш.Аҳмедова қуйидаги фикр юритади: Саид Аҳмаднинг бундай формула яратиши барча асарларига тааллуқли бўлиб, кулги ҳосил қилувчи сўзлар, ифодалар, воситаларнинг икки-уч хилидан бир йўла фойдаланиш усуслидир. Ушбу мисолда шу усулдан фойдаланишни кўрамиз, уни юморни юзага келтирувчи синтезлашган воситалар деб аташ мақсадга мувофиқдир:

Булар тубандагича:

1.Муаллиф нутқининг ўзи кулгига мойил ёки унинг сўзларидан кулги тўкилиб туради;

2) Низомжоннинг ҳолати ҳам кулги уйғотади, кулгили ҳолатни келтириб чиқарган сабаблар қаҳрамоннинг ўзини кулгили қилиб кўрсатади;

3) Асрора тилида ҳам кўпол сўз /ўлгур/, ҳам кулгили ўхшатиш /хира пашшадек/, ҳам шевага хос сўз /баттан/ нинг ёнма-ён ишлатилиши кулгини кучайтиради, бу кулгида ажбивалентлик хусусияти жамланган бўлиб, унда ачиниш хислари ҳам йўқ эмас /ёзгу юмор/: лапашанг Низомжон устидан кулинади, кизларнинг шаддодлиги, ҳазилга ўчлиги бўрттириб кўрсатилади. Кўпол сўзлар Асрора образида, унинг тилида кўп учрайди, бу унинг ички хусусиятларидан, табиатидан келиб чиққани учун эриш туюлмайд:

- Вой, писмиқ, вой ичингдан пишмай улгур Дилдор!

Ёки

“...-Вой, тўсингни ел егур...” /268-б/,

Яна “ҳалиги ҳеббем ўлгур...” /424-б/.

Шаддод, оддий гапи ҳам кўпинча кулги уйғотадиган Асрора айтган бу сўзлар /тилшуносликда вульгаризмлар дейилади/кишининг кўнглини оғритмайди, ҳатто китобхонга ҳам оғир ботмайди, аксинча, кўнгли пок кизнинг сўзлари, қилиқлари кулгига сабаб бўлади.

Н.Маҳмудовнинг “Ўқитувчи нутқи маданияти” китобида ёзилишича варваризмлар бадиий нутқда енгил юмористик рух ифода этиш учун ҳам кўлланади. Бунда, айтайлик, русча сўз ўзбекча талаффуз билан бузиб айтилади: *только – толька, сплетня – исплетний, столовая – исталовой, заведующий – завидиш* каби: Кампир мазаси йўқ аёл. Только келинини қийнагани қийнаган... Уззукун йўлакка ўтириб олиб, ўтган – кетганни исплетний қилади (С.Аҳмад, “Ҳасрат” ҳажвияси). Вей, вей, қамоққа йигитнинг гули тушади. Иш билган одам ҳар ерда ҳам нонини топиб кетаверади. Исталовойга завидиш бўлдим. Ҳа, ўшатдаям тортиб турдик (С.Аҳмад “Номи йўқ тўй”) [38.99].

Маълумки, мустақилликкача бўлган даврда *обед, только, ровно, простой, прямо, так* каби бир қатор русча сўзлар кексаю ёшнинг жонли сўзлашув тилига кириб кетган эди. Табиийки, бу сўзлар ўзбекча талаффуз билан айтилган. Улар варваризмлар сифатида бадиий асар тилида ўша давр руҳини бироз юмористик фон билан акс эттиришга ёрдам беради. Қуйидаги

мисолларда буни кўриш мумкин: Сангча чиқиб кетар экан, “Билиб кўйинглар, болакайларим, телевизорни **ровна** соат ўнда ўчириб кетаман”, *деди...* Мен унақа машхур одам эмасман, **пўристой** полвонман, холос... Тандирдан янги узилган, ушлаган қўлни куйдирадиган мойли патирни ширчойга тўғраб еган одам прома жаннатга тушади (С.Аҳмад, “Азроил ўтган йўлларда” ҳимояси). Ўзиям жа, каттасини ағдарибсиз – да, ака! Далавой негадир яна кулди.

Яна бир мисол:

- Ҳа, энди шунақа экан, бир оғиз айтмайсизми, шу ишни шундоқ қилмоқчиман, деб. Ахир жаҳонбедорвоза эмас, тартиб бор, зақун бор...

Дадам хижолат чекиб, дастурхон четини ҳимора бошлади.

- Энди, укам, биз бир пўристой одаммиз. Бунақа қонунларни тушунмасак, бу ёқда болалар совуқда қолди. (Ў.Ҳ. Дунё....)

Баъзан бадий нутқдаги варваризмлар қаҳрамоннинг ҳам миллий мансублигини, ҳам ички дунёсини, характерини бир чимдим аччиқ кулги билан очишга хизмат қилади.

Ўткир сўз устаси Саид Аҳмад “Қорақўз мажнун” номли ҳикоясида дину имонидан, тилидан топган, онага муҳаббатдан мосуво бўлган, ўзга юртни ватан тутган, итдан – да тубан ўғил – Бўрихоннинг ўзи англамаган фожиасини тасвирлар экан, уни бор – йўғи икки марта бир жумладан русча гапиртиради. Ана шу икки варваризм бу худо беҳабар ўғилнинг бутун ички қиёфасини намоён этишга хизмат қилган, салмоқли эстетик қиммат билан юқунган: Ўғли унинг бағридан чиқишга уринар, аммо кампирнинг қоқ суяк, чайир қўллари уни бўшатмасди.

- Ну зачем, зачем плачеш, мама, вот и приехал, хватит, хватит, дерди ўғли...

...Қассоб шундай деб қўйнинг бўғзига пичоқ тортди.

- Ну зачем, зачем? – деди Бўрихон. – *Ведь барана жалко, все равно я столько мясо не ем! У нас баранина не едят...*

Ростдан ҳам шу одам менинг боламми, деб ўйларди кампир... Бўрихон учун Ўзбекистонда мустақиллик бўлдими, бўлмадими, барибир эди. У ўзга юртнинг фуқароси, ўзга эътиқоднинг сиғиндиси эди. Туғилган юртга мухаббат туйғуси уни тарк қилганига кўп йиллар бўлган. Она тили қадим – қадим замонлардаёқ унутилиб кетган. Шумер тили катори туманлар орасида қолиб кетганди.

Бошқа тилдан сўз олиш, чет сўзларни ўз тилига мослаштириш орқали кулги чиқариш уч йўл билан амалга оширилади;

1. Бошқа тилдаги сўзни тўғридан тўғри келтириш билан: Волявскийнинг шогирди Абдусамат Мироббоши тилида русча сўзларни ишлатиш кўп учрайди “...Отецим, наоборот бўлади, отецим”, “Ота зря сувга тушди...”, “Помогай қил” /62-б/.

Ёки белявский тилида: “- Агар мен падишах булсам... К сожилению падишах эмасман” /33-б/.

Яна: “- Бола маладес, бўрини қойил қилди” /349-б/.

2. Сўзларни ўз тилига мослаштириш йўли билан. Биринчи усулда юмористик оҳанг сақланса, иккинчи усулда оҳанг кулгига айлантирилади: губр, губрнинг думи /636/, баришна /265/, парака каби сўзлар бунга мисол бўлади.

3. Сўзларни бузиб талаффуз қилиш орқали кулги чиқариш: ўричча (русча) /386-б/, дилгироф /телеграф/ (426-б), падарка, починайса /652-б/ кабилар.

Бу хилдаги сўзлар оддий халқ яқинлиги учун кулги уйғотишга хизмат қилади, чиндан-да, одамлар ўртасида (бу кўпчилик халқларга хос “камчилик” бўлса керак) ўз нутқида бошқа тилда сўз аралаштириб гапириш “мода” тусига кирган, айниқса, рус тилидаги сўз қўшиб билса-билмаса, гапириш кинояли кулгига сабаб бўлади. Бундай нохуш одат ҳозиргача давом этиб келаётганлиги ачинарлидир.

2.3. СЎКИШ, ҲАҚОРАТ, ҚАРҒИШ СЎЗЛАРНИНГ ВУЛЬГАР БИРЛИКЛАР СИФАТИДА ҚЎЛЛАНИШИ.

Сўзлашув нутқи бўйича кузатишлар олиб борган профессор Б.Ўринбоев вульгаризм сўзлар ўз характериға кўра сўкиш, ҳақорат сўрларига бўлган эди. Лекин бошқа бир гуруҳ олимлар вульгаризмларға ғайрияхлоқий сўзлар сифатида қараб, “Ғайрияхлоқий сўзлар ўз характериға кўра сўкиш, ҳақорат ва қарғиш сўзларига бўлинишини” айтиб ўтган эдик. Манбаларға биноан биз ҳам тадқиқот ишимизда вульгаризмларни ғайрияхлоқий сўзларға киритган ҳолда қарғиш сўзларини вульгаризм сўзлар сифатида ёритиб беришни мақсад қилдик.

Тилшунос С.Боймирзаева ўзининг тадқиқот ишида вульгаризмға қуйидагича таъриф беради: “Тилшуносликда вульгаризмлар деб аталувчи ҳақорат сўзларида ўта салбий муносабат, камситиш, менсимаслик, ҳақорат, қарғиш каби бир қатор ифода семалари жуда очик кўриниб турган бўлиб, бундай сўзлар кўпроқ номинатив маъноларига кўра эмас, айти шу коннотатив маъноларига кўра нутқда яшайди”. Ҳақорат сўзларни бадиий адабиётда ҳам учратишимиз мумкин. Бунда вульгаризмлар услубий мақсадда, қаҳрамон феъл-атвори, савиясини, айти бир вақтдаги психик ҳолатини очиб бериш учун хизмат қилади.

Нутқимизда қўлланадиган баъзи ҳақорат сўзларни маъноси ҳолида мисоли билан келтириб ўтамыз:

Баччаталоқ — талоқ қилинган хотиндан туғилган бола: Ўббо, баччаталоқ.../А.Қодирий/

Баччағар — нафрат, ғазаб билан қаттиқ қойишни ифодалайди: Мунча изғимаса, баччағарнинг зерикмаганини

Даюс — қўшмачи, даллол: Ўх, даюс!... Бу пичоқ неча гуноҳсизнинг ёстиғини қуритган экан (А.Қодирий).

Занғар — баччағар, лаънати. Гап билан бўлиб, занғар кайф ҳам тарқаб кетди, қани қуй-чи, бир-иккини. (А.Қодирий).

Мегажин – маън. Урғочи чўчка. – Хотин-қизларга нисбатан ишлатиладиган қаттиқ ҳақорат сўзи: Мен бу ёқда итвачча боқиб ўтирибман-у, бу киши у ерда мегажинларнинг этагини ўпиб юрибдилар.

Онағар (энағар) – нафрат, ғазаб, қаттиқ қойишни ифодалайди: - Ҳей! Баққа туш, энағар!, Момо қолди... Юрагинг совудими, ҳароми? Энди яйлов кенг бўлди сенга! Боғда жавлон урасан, силкасал! (Ш.Холмирзаев).

Оқпадар – отаси оқ қилган, лаънатланган, юз ўтгирган.

Палид – ўтакетган ярамас, қабих, разил одам ҳақида: (Миркомил) эндиликда кўршапалакдек тунда изғиб юрган зараркунанда, палид!

Тўймагур – барака топгур, қурмағур тушқур қаби енгил қойиш маъноларини билдиради. У тўймагур ҳеч сўзга қирмайди.

Хонасаллот – уйинг қуйгур, бадбахт-меҳнаткаш, шўринг қурғур, ўлиб тирилиб қазиган ариқ суби хонасалот бойларнинг еридан ортмасди, - деди Каримбой ота.

Яшшамагур – умринг қисқа бўлгур, ўлгур (қарғиш сўз).

Ўлаксахўр – ишламай, бошқалар ҳисобига яшайдиган; текинхўр: Сабаби маълум, - деди отам, - агар ҳашар тамом бўлса, бу икки юз ўлаксахўр текин овқатни қаердан топишади...

Ҳайвон – қўпол, маданиятсиз, шавқатсиз, қабих киши ҳақида: Киши ҳақидан қўрқмайсанми, ҳайвон! (Ойбек)

Сўтак – келиб-келиб ўшандан паноҳ изладингми, э сўтак! (Т.Малик).

Сўкиш, ҳақорат учун қўлланадиган тил воситалари баъзан (маълум шароитда) очиқ-парнографик ҳолатда қўлланилса-да, улар кўп ҳолларда, хусусан, ёзма адабиётда қуйидагича ифодаланади:

Ёмон, уят, куракда турмайдиган оғзига келган, оғзига олиб бўлмайдиган сўз (ёки гаплар) билан сўқди, ҳақорат қилди (ўзлаштирма гап характерида): Муҳайёни аммам ҳеч оғизга олиб бўлмайдиган гаплар билан ҳақорат қилдилар. (А.Қ.3-т.331). Салом-алик, ҳол-аҳвол сўраш йўқ, оғзига келган ҳақорат сўзлар билан ҳамманинг ота-онаси қолмай, астар-пахтасини ағдариб сўкинган ҳолда махорка ўрашни бошлади. (Ш., Кафансиз

қўмилганлар 28). Ўзи сени у қилдим, бу қилдим деб сўкди (Ч. Кеча ва кундуз. 98)

Ҳақорат объекти тилга олиниб, ҳақорат ифодаловчи сўз кўп нуқта билан тушунилади, воқелик инплицип ҳолатда англашилиб туради: Лўлилар ўтганки, студент борми, этагидан тортиб фоллингни кўрай деб ёпишиб олишарди, индамай ўтиб кетадиганларни орқасидан ҳа, галстугингга.... Ҳа, папаратка сочингга... деб сўкишарди. (С.Аҳмад. Жимжитлик. 299).

- Балиғимни бер... – Бор, бор балиқни ўз еримдан тутиб олдим. – Бер деяпман!
- Балиқ топшириб қўйганинг йўқ, ол қўлингни! – Қийзингни... – Сани онангни... (Н.А.Қитиғи ўлмаган қиз. 80).

Юқоридагилардан англашиладики, сўкиш ва ҳақорат учун қўлланиладиган сўз ёки гап айнан келтирилмайди, ёзувчи ёки сўзловчи уни ё контекст, нутқий вазият орқали англатади ёки уни бошқа-юмшоқ ибораларга айлантириб беради.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, биз ўзбеклар нутқида салбий муносабатлар “кучли” ёки “кучсиз” даражада ифодаланади. “Кучли” формада ҳақорат сўзлар, қарғишлар ифодланса, “кучсиз” формада ўша салбий муносабат ифодаловчи сўз ҳаё билан, юмшоқроқ айтилади. Бу ҳолат бизнинг менталитетимиз билан боғланади.

Нутқимизда нарсаларнинг ҳолатини моҳиятига тушуниш қобилияти йўқ, фаҳм-фаросати йўқ; фаҳм-фаросат билан иш қилмайдиган кишиларга нисбатан бефаҳм, фаҳмсиз, бефаросат, фаросатсиз, бетамиз, ҳафтафаҳм сўзлари кенг қўлланади. Мисоллар: Ўқиган кўринади-ку, укмаган кўринади. Дид эмиш, сенда дид нима қилади, бефаросат! Ҳафтафаҳм бир одам келиб, ўринбосарим ҳузурида пора бериб кетди.

Худди шундай салбий экспрессивликни ифодаловчи сўзлар сирасига бўлмағур, беъмаъни, номақул, ножўя, нобоп, нодуруст, тубан, жирканч, расво, ярамас, разил, қабих, чиркин сўзларини ҳам киритишимиз мумкин. Барчасининг маъноси – “одоб-қоидага хилоф, одоб-доирасига сиғмайдиган”

деган маънони ифодалайди. Мисол: Ҳозир унинг назарида оламда энг паст ва разил кўринган Мирзакаримбой билан пул юзасидан хиралашишни, ёқа бўғишишни ўзига ор билди (Ойбек).

Виждонсиз лексемаси виждонан, инсоф билан иш тутмайдиган, виждони йўқ кишиларга нисбатан бадий асарда қўлланади. Синонимлари – номуссиз, беномус, ноинсоф, инсофсиз, мутаҳам. Кутидор қизининг мақсадига тушуниб, икки турли қўлни дарров пайқаб олди, “Виждонсиз, иблис”, -деб қўйди. (А.Қодирий)

Ёлғон гапирувчи одам – ёлғончига нисбатан бизда доимо салбий бир муносабат бўлган. Унинг алдамчи, алдоқчи, каззоб эскирган, китобий сўз саналади. Алдоқчи ва ёлғончига нисбатан алдамчи камроқ қўлланади. Бари ёлғон! У уйинг куйгур ёлғонни чин қиладиган каззоб лаъин эканда (Ойбек).

Қарғиш сўзлари

Бошқа тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам **қарғиш** билан алоқадор сўзлар (яшшамагур) билан бир қаторда кўплаб “штамп” ҳолига тушиб қолган иборалар мавжуд. Аввало шуни қайд этиш лозимки, қарғиш иборалар кишининг салбий жиҳатдан характерлайди., яъни уни қўллаган кишининг салбий хусусиятларини (кўра олмаслик, ёмон кўриш, писанд қилмаслик ва ҳоказолар) шундоққина кўрсати туради.

Тўпланган материаллар таҳлилидан келиб чиқиб, қарғишга оид ибораларни англатган маънолари жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни лозим, деб топдик:

- 1.Ўлим тилаш мазмунини ифодаловчи
- 2.Ғазаб-нафрат мазмунини ифодаловчи
- 3.Ёмон истак (тилак) мазмунини ифодаловчи
- 4.Шахсга нисбатан нафрат ва бахтсизлик ифодаловчи
- 5.Оғир қарғиш мазмунини ифодаловчи
- 6.Дуойи бад қилиш ифодаловчи
- 7.Енгил қарғиш мазмунини ифодаловчи

1.Ўлим тилаш мазмунини ифодаловчи иборалар: ажлга йўлиқкур, онанг (боланг)ўлсин, бўй(гина)нг гўрда чиригур, бўйнинг узилгур, гўрга кирсин, ер етгур (ютгур), жувонмарг (жувонмаг) бўлгур, илоҳо (илоё) кўзларинга тупрок тўлсин, йигит(гина) ўлгур, яшшамагур, каро ер бўлгур, карчининг қийингур, хароми ўлгур (котгур) кабилар. Масалан:

- Нима бўлди ўзи, овсинжон?

- Кеча мени шундоқ сўкди, шундоқ сўкди, йигитгина ўлгур! Онамни сўкди-я, бўйгинанг гўрда чиригур.

- Қўйинг, хафа бўлманг!

-Нимага хафа бўлмас эканман!... (Ҳ.Ў.Сирли....66)

Ёки:

- Эрингиз қочиб кетибди!

- Қаёққа қочибди?

- “Ватанимга қайтмайман” деб Франция маъмурларидан бошпана сўрабди.

- Вой, жувонмарг бўлгур! Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деб... (Шухрат, Сайланма. 128).

2.Ўзбек тилида ғазаб-нафрат мазмунини ифодаловчи: афтинг (башаранг, бетинг, дийдоринг, турқинг) курсин, афтингни, башарангни, турқингни, тусингни ел ёпгур, куйдирган калладай ишшаймай (ўл), кўзимдан йўқол, нафасингга тилингга, кўнгилларингга куйдирги чиқкур (чиқсин), нафасинг оғзингдан чиқиб кўксингга ёпишгур, падари (нг) га лаънат, қуриб, қақшабгина кетгур (лар) каби.

Мисол:

- Э, отинг ўчсин, Парча! Ичингда ит ўлганми, нима бало?

- Мохора егандан кейин шунақа бўлади-де, опа!

- Э, мохора емай нафсингга куйдирги чиқсин! (Ҳ.Ў. Икки эшик ораси. 109)

- Қайси сув?

- Қайси бўларди? Ўша, ўзинг айтиб юрган Ҳазрат Уккоша қабри ёнида топилган иссиқ сувга-да
- Нечук жуда ёрлақадим! Боғингизни ташлаб-а?
- Падарига лаънат ҳаммасини!.... (Ё.О. Оқ қуш... 10)
- Насим ошна, у нима деди? !, уялиб индамадим?
- Бўри, мен гапларингни оқизмай-томизмай айтдим. Бўри ошнамга сенсиз кундуз қоронғи, дедим.
- Ўх, бети қурсин, деб қўл ситади, жўра... (Т.Мурод. Қўшиқ 19)

Характериси шундаки, мазкур микрогуруҳга мансуб иборада ҳам, матнга қараб, кўп маънолилиқ касб этиши мумкин. Масалан, кўзимдан йўқол, олма емай заҳар егур, оғзингдан қонинг келгур, падарингга лаънат каби фразеологизмлар сўқиш, ҳаворат мазмунларини ҳам ифодалаш билан бирга уларнинг айримлари ёмон истак мазмунини ҳам рўёбга чиқариши мумкин.

3. Она тилимизда ёмон истак (тилак) мазмунини ифодаловчи иборалар қўлланишидан кўз юма олмаймиз: Бошингда ордона қолсин, балога йўлиқкур, жаббор чалсин, илоҳо тезроқ вайрон бўлгур, матоҳинг бошингда қолсин, номинг ўчгур, умринг авахтада чирисин, худодан топгур, худонинг қаҳрига учрагур, худо умрингдан барака олсин, қирғин келгур, адо бўлгур ва бошқалар:

- Қани?
- Хат менга эмас Дилдорга.
- Вой, адо бўлсин. Қирғинкелгур кеннойиси жигардан ҳам азиз бўпти-да.
- Шошма, шошма, гап тагида гап бор... (С.А.Уфқ 415)

4.Шахсга нисбатан нафрат ва бахтсизлик исташ мазмунини ифодаловчи иборалар: басир бўлгур, болаларнинг кўз ёшларини кўр қилгур, гўдакнинг тирноғига зор бўлгур, илоё тилинг кесилсин, кўзгинанг тешилиб оқкур, тузим кўр қилгур кабилар киритиш мумкин. Масалан:

- Қачон? Нима дедим?

- Фолбинникида, гўрсўхта, фолбинникида! Нега секкилли холамини кўрдим, дедим?

- Нима қилай? Кўзимга кўринганини айтдим – да!

- Мана – ку, кўзгинанг тешилгур, мана –ку! (Ҳ.У. Сирли... 152).

5. Оғир қарғиш мазмунини ифодаловчи ибораларга гўрингда тик тургур, гўрингдан тутун чиққур, гўрингда тўнғиз қопгур, овозинг гўр тагидан келгур кабиларни киритиш мумкин:

- Сен қилдингми?

- Йўқ...

- Йигитларингми? Қасос опсан-да?..

- Йўқ, ота... Барибир шундай бўларди...

- Элни хароб қилди, гўрингда тўнғиз қопгурлар! (Қ.Қ. Сел. 213)

6. Тилимиздаги дуойи бад қилиш мазмунини ифодаловчи оқ қилдим, оқпадарсан, сендек фарзандим йўқ; у дунёйи бу дунё косанг оқармасин; бундай етти номусни ерга бўккан фарзанддан кечдим каби иборалар мавжуд.

Масалан:

- Оқ қилдим, бундай етти номусни ерга бўккан қиздан кечдим.

- Қўйинг, қаерда бўлса ҳам соғ бўлсин.

- Худоё Ибай жувонмарг бўлсин, қирққа барбай қирчинидан қирқилсин (Г.Г. Асарлар 24)

7. Енгил қарғиш мазмуни ифодаловчи иборалар жумласига тилинга тирсак чиққур, гапингиз курсин, эсим курсин кабилар киради. Масалан:

- Карим бобонинг боғига.

- Нима бор экан раҳматликнинг боғида.

- Олма ўғирликка кетаётувдик.

- Ҳо-ой, тилинга тирсак чиққур, ўғирлик деди-а... (Ш.Б.Энди...18)

М.Базарова тадқиқот ишида – гур аффиксини характерлики жиҳатларини очиб беради. - гур аффиксли сифатдош қатнашган бирикма ўзбек тилида асосан катта ёшдаги шахслар томонидан қўлланади. Уларга барака топгур (умрингдан барака топгур), боланг кўпайгур, бой бўлгур, уйингга буғдой

тўлгур, олган бўлгур, умринг узоқ бўлгур, бошинг тошдан бўлгур, бўйинг чўзилгур бирликларини мисол сифатида келтириш мумкин. Шунингдек, қарғишни ифодаловчи – гур аффиксли birlikларни бўлишсиз шаклида қўллаш аёллар нутқи учун хосдир: башаранг қурмагур, қуриб кетмагур каби.

- “Жувонмарг! – деди синглисининг эмас, ўзининг сочини юлиб /Фотима келин/. – Илоё косанг оқармасин. Сендек синглим йўқ, билдингми? Отамнинг арвоҳига солдим, беномус! Илоё бу кунингдан баттар бўл, шарманда.

Боядан бери айвон ўртасида чўзилиб ётган Холпош хола ярт этиб кўзини очди.

- Дод – деди тўлғаниб, - Зокир! Болам!

Қандоқ чидайман! Илоё арвоҳинг урсин, жон болам! – алгаллаб қаддини ростладида, кўзи тўла ёш билан Зухра келинга юзланди. – Кун кўриб куни рўшнолик кўрмагин, имонсиз!

- Қарғаманг, ойижон! – Фотима келин ойисига ёпишди. – Дуобад қилманг синглимни! Майли бир кунмас-бир кун ўзи...” (Ў. Х).

Энсаси қотиб, чурқ этмасдан ўтирган Зумрад чидамади, асабий титроқ товушда опасига днди:

- Кундошлар билан ит-мушук бўлиб юрар эканман-да! Қани тагин бир келсинчи... жувонмарг бўлгур Эшонхон... Ер юткур югурдакни итдай бир талаб берай, мушукдай қочсин (Ойбек. Навоий.125 б).

Айниқса, қарғиш сўзларни аёлларни нутқида қўп қўлланади

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Жаҳон адабиётшунослиги ва тилшунослигининг илғор тамойилларига асосланган ҳолда ўзбек филологиясида ҳам бадиий адабиёт тили ва ёзувчи учлубини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш умумийфилологик фан соҳаси сифатида ўзининг назарий ва амалий асосларини шакллантириб бормоқда.

Сўнгги давр ёзувчилари насрий асарлари хусусидаги илмий тадқиқотлар характери, асосан, адабий таҳлил доирасида эканлиги ва бу жиҳатдан бадиий матн лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганишга эҳтиёж ортганлиги малаланинг долзарблигини белгилайди.

“Лингвопоэтика” атамаси бадиий асар тилини ўрганишда нисбатан кенг қамровли тушунчани ўз ичига олиб, асарнинг бадиийлигини таъминловчи унсурларни тилнинг лингвопоэтик таҳлил асос вилиб олинди.

Нутқнинг тозаллиги деганда унда тил элементларининг ишлатилишида адабий тил меъёрларида амал қилиш-қилмаслиқтушунилади.

Варваризмлар бадиий нутқда ёзувчининг маҳорати билан ўзига хос эстетик вазифани бажарадиган воситага айланади. Бадиий асардаги персонажларнинг характери, ички дунёси, маданий – маърифий савияси каби бир қатор жиҳатларни таъкидлаб ифодалашда варваризмлар алоҳида ўрин тутаяди.

Вульгаризмларни маъно оттенкаси ва қўлланиш доирасига кўра 3 гуруҳга бўлаяди:

а) кишиларнинг характери ва миждозидаги ожизликни ифодаловчи вульгаризмлар: *дум, текинхўр, айёр, бузук, хомкалла, хумпар, қўшмачи, ноинсоф, хотинфуруш, мағзава, юзсиз, эсинас, ланж, латта, извогар, мажмагил одам, мазаси йўқ, хотинбоз* кабилар.

б) кишининг ташқи камчилигини кўрсатувчи вульгаризмлар: *мечкай, қўппак, маймоқ, илонбош, симёгоч, қовоқбош, айронбош, гумбаз, бордондай, қўнгиз, мўйлов, кал, дўрдоқ, қийшиқ, қўтир, патаксоқол, пахмоқ, сурпақулоқ, шикит, дароз, акилдоқ, пайтава қулоқ, сўлоқмон, қути учди, бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда* кабилар. .

в) сўкиш, койиш маъносини ифодаловчи вульгаризмлар: баччағар, ярамас, аблах, хумпар, номард, бадбахт, нонкўр, гумроҳ, қисталоқ, аҳмоқ, синталоқ, хотин-талоқ, галварс, касофат, нахс, кўппак, лаънати, тентак, иблис, шаллақи. Итвачча, жувонимарг, искирт, беномус, ифлос, хароми, бедаво, гўрсўхта, вайсақи; ачимай ўлгур, эси оғмоқ (телбаланмоқ), оғзи катта (кибр-ҳавола), назари илмайди (менсимаслик) кабилар.

г) Қарғишлар. Уларни англатган маънолари жиҳатидан қуйидаги 7 гуруҳларга бўлинди.

- 1.Ўлим тилаш мазмунини ифодаловчи
- 2.Ғазаб-нафрат мазмунини ифодаловчи
- 3.Ёмон истак (тилак) мазмунини ифодаловчи
- 4.Шахсга нисбатан нафрат ва бахтсизлик ифодаловчи
- 5.Оғир қарғиш мазмунини ифодаловчи
- 6.Дуойи бад қилиш ифодаловчи
- 7.Енгил қарғиш мазмунини ифодаловчи

Диалогик нутқда, сўзловчи ва суҳбатдош ўзаро фикр алмашув жараёнида айрим сўзлар, сўз бирикмалари ҳамда вульгаризмлардан фойдаланиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни ()1997 йил 29 августда қабул қилинган. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиқётининг пойдевори. – Тошкент.Шарқ нашриёти-матбаа концерни. 1997
2. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиқётининг пойдевори. – Тошкент. Шарқ нашриёти-матбаа концерни 1997.
3. Абдурахмонов Шавкатжон Ашурович. Ўзбек бадиий нутқида кулги кўзгатувчи лисоний воситалар. Тошкент, 1997й
4. Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. – Тошкент, Фан, 1966. 4-11-бетлар
5. Абдуллаев К.М. Теоретические проблемы синтаксиса азербайджанского языка: Автореф.дис.д-ра филол. Наук. Баку-1984. с. 33-34
6. Алматов В.М. Япония. Язык и общество. – М. Наука. 1988 йил
7. Атаев С. Эвфемизмы в туркменском языке. Автореф. дисс.канд.филол.наук – Ашхабад. 1955-21с.
8. Аҳмедова Шоира Неъматовна Саид Аҳмад ҳажвиётида бадиий маҳорат Тошкент. Бухоро. 1994 йил. 119-б
9. А.Ҳожиёв, А.Аҳмедов Ўзбек тили лексикологиси. Тошкент, Фан 1981й
- 10.Амиров Р. Особенности синтаксиса казахской разговорной речи, Алма-Ата. 1972
- 11.Базарова Муниса Маткаримова Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини фойдаловчи нутқий бирликларнинг лисоний хусусиятлари. Тошкент 2007й. 53-б
- 12.Бегматов Э. Адабий норма ва нутқ маданияти. Тошкент, Фан, 1983й
- 13.Боймирзаева Саодат Урақовна “Ўйбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи”. Самарқанд 2004 й. 61 бет

- 14.Бобониёзова А.Й. Абдулла Қодирийнинг Ўтган кунлар романида тасвирий воситалар ва тил бадияти: Ф.ф.н.дис.автореф. – Т.1995. – Б.4
- 15.Барт Р. Лингвистика текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. Лингвистика текста. – М: Прогресс. С. 444-445
- 16.Белич А.И. К вопросу о распределении грамматического материала по главным грамматическим дисциплинам // вестник МГУ, 1947, №7. С.22
- 17.Баскаков Н.А. ва бошқалар. Умумий тилшунослик. – Тошкент, Ўқитувчи, 1979. – Б.163
- 18.Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.62.
- 19.Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М: Высшая школа, 1991. С. 44
- 20.Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. К основам общей теории. М. 1977, с 212.
- 21.Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стиль. Тошкент 1988 йил
- 22.Искандарова Шарифа Мадалиевна Ўзбек нутқ одатининг мулоқат шакллари. “Самарқанд” нашриёти 87-93бет
- 23.Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. – М., 1961 йил
- 24.Йўлдошев Б. Саид Аҳмад асарларида тил ва услуб. Тошкент. – Фил.фан.номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. 1978 йил 138-б.
- 25.Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Фан, 2007, 60 – бет.
- 26.Ж.Лапасов. Бадий матн ва лисоний таҳлили. Тошкент, 1995 йил
- 27.Жалолова Лазокат Одиловна А.Қодирийнинг Ўткан кунлар романининг лингвистик тадқиқи. Тошкент 2007й
- 28.Жирмунский В.М. Теория литературы Поэтика. Стилистика. – Л: Наука, 1977. С. 15

- 29.Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Ф.ф.доктори дисс. Самарқанд, 1993 йил
- 30.Комилов Н. Хизр чашмаси. Тошкент: Маънавият, 2005, 209-бет.
- 31.Константин Федин. Бадиий ижод ҳақида совет ёзувчиларнинг нутқ ва мақолалар тўплами. Тошкент, 1960 й, 133-б
- 32.Келдиёрова Г. Ўзбек бадиий нутқида антитеза. Тошкент 2000
- 33.Конурбаев М.Э. Библия Короля Иакова в лингвопоэтическом освещении. – М: Диалог – МГУ, 1998
- 34.Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент, Фан, 1988 йил
- Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент, Ўзбекистон, 2002 йил
- 35.Маъруф Йўлдошев. Чўлпон сўзининг сирлари. Тошкент, “Маънавият”, 2002й. 35-39 бетлар.
- 36.Мўминов Содикжон Мирсобирович. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Тошкент, 2000 й
- 37.М.Йўлдошев Бадиий матн лингвопоэтикаси. - Тошкент: Фан, 2008
- 38.Низомиддин Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти Тошкент Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 йил 137-144 бетлар.
- 39.Олим Усмон, Ренат Дониёров Русча – интернационал сўзлар изоҳли луғати, 1965, 99
- 40.Омонтурдиев Анвар Жабборович. Профессионал нутқ эвфемикаси. Тошкент 2009 йил. 169 бет
- 42.Олим С. Поэтика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент: Ўз-н миллий энц-яси давлат илмий н-ти, 2004. 162-бет
- 43.Р.Расулов, Н.Хусанов, Қ.Мўйдинов. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати Тошкент “Иқтисод-молия” 2006 й. 27 бет
- 44.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 104-бет

- 45.Рихсиева Г. Лингвопоэтик тадқиқ асослари бўйича мулоҳазалар.// Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003 - № 2. – Б. 84-86
- 46.Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – тошкент: ТАИ, 2004.27-бет
- 47.С.А.Каримов, Ш.М.Махматмуродов, О.Н.Каримова. Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш. Тошкент “Ўзбекистон” 2003 й
- 48.Содиқова М. Феъл стилистикаси. Тошкент 1975 йил. 74 бет
- 49.Содиқова М.С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси семантик аспектда. Докт.дис. Тошкент 1991. 46б
- 50.Турсунов Ж.. Ғ.Ғуломнинг прозадаги маҳоратига доир фил.фан.ном...дисс. – Т., 1963. Б.151
- 51.Х.Дониёров, С.Мирзаев Сўз санъати. Тошкент, 1962 й.
- 52.Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади // Ўзбекистон адабиёт ва санъати. 1986
- 53.Шчерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М: Наука, 1957. – С.97
- 54.Шодмонов Э. Муомала муносабатларида қўлланадиган сўз – гапларга доир. – Тилшунослик масалалари. Тошкент 1970 й. 167-175 б
- 55.Пешковский А. Вопросы методики родного яз Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Т., Фан, 1990 – Б. Языка лингвистики и стилистики. – М: Госиздат 1930. – С. 57-58
- 56.Ҳакимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусиятлари: Филол.фан.н-ди...дсс. – Тошкент, 1993
- 57.Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Т: Фан, 1973. – Б.4
- 58.Қодирий Абдулла. Кулги ҳақида. Фан ва турмуш. 1967 йил № 19-16-б
- 59.Қодирий А. Ўткан кунлар.- Т. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 – 320
- 60.Қосимова М.Б. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари. ф.ф.н.илмий дар.олиш.учун Тошкент 2007й
- 61.Усмонов С. Умумий тилшунослик”. Тошкент, 1972й
- 62.Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, 1983й.

63. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I, 1981, 172
64. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив гап категорияси. Тошкент-1972.
65. Ғуломов А., Асқарова М., Ҳозирги ўзбек тили адабий тили. Тошкент, Ўқитувчи, 1987 йил
66. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1957й
67. Э.Бегматов, Н.Жиянова “Нутқ маданияти асослари” Тошкент 2006 йил
68. <http://ziyonet.uz>.
69. <http://pedagog.uz>.

**Диссертацияда қўлланилган ўзбекча-инглизча лингвистик
терминларнинг луғати**

Аббревиатура	–	Abbreviation
Абзац	-	Paragraph
Абсолют, тўлиқ	–	Absolute
Автоматик	-	automatic
Автосемантик сўзлар	—	avtosemantic words
Агрессив	-	Aggression
Адабий меъёр	—	Literary norm
Адабий тил	—	Literary language
Адаптация	–	Adaptation
Академик	–	Academic
Актив нутқ органлари	—	Active body language
Активлашиш	-	Activation
АКТУАЛЛАШИШ	-	Actualization
Акустик	-	Acoustic
Акустик фонетика	—	Acoustic Phonetics
Акустика	-	Acoustics
Алифбо	—	Alphabet
Алифбо тартиби	-	alphabetically
Алифбо тартибида жойлаштириш	-	Alphabetize
Алифболи	-	Alphabetic(al)
Амалий тилшунослик	—	Applied Linguistics
Анъанавий тилшунослик	-	Traditional linguistics
Асос	-	basic
Асос маъно	-	Generating value
Асосий	-	based

Аспект - Aspect
Бадий - Artistic
Бадий услуб - Artistic style
Бадий матн - Artistic text
Бир бўғинлилик - Monosyllabism
Бир маъноли - monosemantic
Бош бўлақлар - The principal terms of the proposal
Бош гап - Main clause
Бош сўз - Header word
Бош урғу - Primary stress
Бош ҳарф - Uppercase
Бурун ундошлари - Nasal consonants
Бўғиз ундоши - Guttural consonant
Бўғин - Syllable
Бўғин кўчириш - Carry the words
Бўғинли ёзув - Syllabary
Бўғиз товуши - Guttural
Вазифа - function
Дедукция - deduction
Диалектал - dialectal
Диахрон - diachronic
Ёзма нутқ - Written language
Ёзув - Letter
Жарангли ундошлар - Voiced consonants
жаранглилик - Voicing
Жарангсиз ундошлар - Voiceless consonants
Жарангсизлик - Deafness
Жуфт ундошлар - Paired consonants
Замон категорияси - The category of time
Ибора - Expression, phraseological unit

Иероглиф - hieroglyph
Изоҳли луғат - Dictionary
Инглиз тили - English
Компонент - component
Кўп маъноли – Ambiguous
Кўчма урғу
Лаб - тиш - labiodental
Лабланган унлилар - Labialized vowels
Лабланиш - Labial, labialization
Лаблашган - labial
Лаблашиш - labialization
Лаҳжа - Adverb
Лексема - lexeme
Лексемага хос - lexemic
Лексик - Lexical
Лексик - грамматик - lexical - grammatical
Лексик - семантик - lexical - semantic
Лексик - семантик гуруҳ - Lexical - semantic group
Лексикология - lexicology
Лингвопоэтика - Lingvopoetic
Мазмун - content
Мазмуний - notional
Матн - Text
Метатеза - metathesis
Метафора - metaphor
Муаллиф - author
Мустақил сўзлар - Significant words
Нутқ - Speech system
Нутқ аппарати - Vocal apparatus
Нутқ бирлиги - A unit of speech

Нутқ маданияти - Speech culture
Нутқ услублари - Styles of speech
Объект - object
Овоз - Voice
Она тили - Native language
Оҳанг - intonation
Субъект - Subject
Сўз ясовчи аффикс - Derivational affix
Сўзлашув - colloquial
Табиий - natural
Табиий тил - A natural language
Тавсифий диалектология - Descriptive dialectology
Тажриба - experiment
Тақлид сўз - Imitative word
Талаффуз - Pronounce
Товуш - - Sound
Товуш тембри - The timbre of sound
Ундош - Consonant
Унли - consonant
Унли - Vowels
Урғу - accent
Урғули - accentual
Урғусиз - Atonic